# 8 МАРТ – ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ


# O‘ZBEKISTON BUNYODKORI

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

№ 17-18 (570-571)
2022 йил 8 март, сешанба

uzbunyodkor
t.me/uzbunyodkor
uzbunyodkori@umail.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.


## МЕҲР-ОҚИБАТ ВА САДОҚАТ ТИМСОЛИ, ХОНАДОНЛАРИМИЗ ФАРИШТАСИ

Аёлларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш, уларга ғамхўрлик қилиш миллий қадриятларимизнинг ажралмас қисми саналади. Улар бежиз ёшариш ва янгиланиш фасли – баҳорга қиёсланмайди. Мамлакатимизда лобар, иродали, ишбилармон, истеъдодли хотин-қизлар доимо эътироф этилиб, эъзозланади.

Халқаро конгресс марказида 8 март – Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев аёлларни самимий табриклаб, уларга юксак эҳтиромини билдирди.

– Халқимиз азал-азалдан Она сиймосини, Аёл зотини Яратганнинг улуғ неъмати, тенгсиз мўъжизаси, деб билади, уни ҳамиша ардоқлаб-асраб яшайди, – деди давлатимиз раҳбари.

Маълумки, ҳар қандай жамият ва давлатнинг қай даражада халқпарвар ҳамда адолатли экани унинг хотин-қизларга бўлган муносабати ва ғамхўрлиги билан белгиланади. Мамлакатимизда халқни рози қилиш мақсади йўлида хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Уларнинг ўқиши, ишлаши, саломатлиги, оиласи учун шароитлар яхшиланмоқда.

2-бет

## АЁЛ ҚАДРИ УЛУҒЛАНГАН ЮРТДА ТИНЧЛИК ВА ФАРОВОНЛИК БАРҚАРОР БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи

Ассалому алайкум, азиз ва мўътабар онахонлар!

Мунис опа-сингиллар!

Дилбар қизларим!

Шукуҳи ва қувончи тамоман ўзгача бўлган бугунги тантанамизда иштирок этаётган сиз, нафосат олами вакилларини, бутун мамлакатимиз аёлларини Халқаро хотин-қизлар куни билан самимий табриклайман. Барчангизга чуқур ҳурмат-эҳтиромимни ва энг эзгу тилакларимни билдираман.

Аввало, оилангиз ва яқинларингиз бахтига, қолаверса, аёл қадрини эъзозлаб яшайдиган эл-юртимиз бахтига соғ-омон бўлишингизни, доимо мана шундай гўзал баҳорий кайфиятда юришингизни тилайман.

Муҳтарам юртдошлар!

Халқимиз азал-азалдан Она сиймосини, Аёл зотини Яратганнинг улуғ неъмати, тенгсиз мўъжизаси, деб билади, уни ҳамиша ардоқлаб-асраб яшайди. Юртимиз заминидаги “Бибихоним”, “Қизбиби”, “Модарихон”, “Қирққиз” мажмуаси каби табаррук меъморий обидалар ҳам ана шундай азалий юксак эътибордан далолат беради.

Айни пайтда биз инсоният тараққиётига унутилмас ва беқиёс ҳисса қўшган буюк аждодларимизни дунёга келтириб, меҳр билан тарбиялаган, уларни улуғвор ишларга руҳлантириб, камарбаста бўлган фозила аёлларимиз билан албатта фахрланамиз.

Маълумки, ҳар қандай жамият ва давлатнинг қай даражада халқпарвар ҳамда адолатли экани унинг хотин-қизларга бўлган муносабати ва ғамхўрлиги билан белгиланади.

Халқимизни рози қилишдек олий мақсадга эришиш учун хотин-қизларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг муҳим йўналишларидан бирига айланди.

Шу ўринда эътиборингизни айрим мисолларга қаратмоқчиман.

**“Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмайди”** деган эзгу тамойил асосида, 2021 йилда 900 мингга яқин хотин-қизларга ижтимоий-иқтисодий, тиббий, ҳуқуқий ва психологик ёрдамлар кўрсатилди. Бу мақсадлар учун бюджетдан 2 триллион сўм маблағ йўналтирилди. Хусусан, 18 мингта аёлларга уй-жой харид қилиш учун 400 миллиард сўм имтиёзли кредитлар ажратилди. Боқувчисини йўқотган аёлларнинг фарзандлари учун боғча харажатларини бюджетдан қоплаш тартиби жорий этилди.

Яна бир муҳим рақамга эътибор беринг. Фақатгина 2021 йилнинг ўзида хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш мақсадида 2 триллион сўмдан зиёд кредит ва субсидиялар ажратилди. Натижада 320 мингдан ортиқ опа-сингилларимиз доимий иш ва даромадга эга бўлдилар.

Мамлакатимизда жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланган маҳалла ва оила институтларини мустаҳкамлаш бўйича ҳам эътиборга молик ишлар олиб борилмоқда.

Шунингдек, 2021 йилда эҳтиёжманд оилаларга мансуб 2 мингдан зиёд қизлар олийгоҳларга давлат гранти асосида қабул қилинди, яна шунча талаба қизларга контракт пуллари тўлаб берилди.

Аёллар таълимига алоҳида эътибор бераётганимиз туфайли ўтган йили олий ўқув юртларига қабул қилинган талабаларнинг 60 фоизини хотин-қизлар ташкил этди.

Агар бундан олти йил аввал олийгоҳларда 110 минг нафар қизларимиз таҳсил олишган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 400 минг нафарга етди ёки уларнинг улуши 2016 йилдаги 38 фоиздан айни пайтга келиб қарийб 50 фоизга етди.

Бу натижалар ҳам ушбу йўналишдаги ислоҳотларимизнинг амалий ифодаси, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам фикримга қўшиласизлар.

2-бет



## ХОТИН-ҚИЗЛАРИ ЭЪЗОЗЛАНГАН ЮРТ УЛКАН МАҚСАДЛАРГА ЭРИШАДИ

**Аёлларимиз ҳар қандай эъзозга, гўзал таърифларга муносиб. Улар латофат ва нафосат соҳибаси, эзгулик ва фидойилик рамзи, хонадонларимизнинг файзу фариштасидир. Донишмандларимиз аёл гўзал, оқила бўлиши муҳим, лекин билимли бўлиши шарт, дея таъкидлашган. Тараққиёт йўли маърифатда экан, аёл маърифати жамият бахти ва саодатидир. Зеро, ақл-заковатли, маърифатли оналаргина комил инсонларни тарбиялашга қодир бўлади.**

Халқимиз азалдан хотин-қизларни улуғлаб, ардоқлайди, эҳтиром кўрсатади. Бугун эса бу борадаги ишлар бутунлай янги босқичга чиқди, “Инсон қадри учун” тамойили асосида энг аввало, жамиятда опа-сингилларимизнинг нуфузи ва мавқеини ошириш ҳамда уларни қўллаб-қувватлашга жиддий киришилди.

Оиласида ҳаловати бор аёлнинг соғлиғи мустаҳкам, ишида унум, янги режалар сари қадами дадил бўлади. Бу – ҳаёт қонуни. Бироқ аёлларни қийнаётган чигалликлар, муаммолар ва ечимини йиллар давомида кутаётган оғриқли масалалар борки, уларни ечишда тизимли тартиб билан ҳаракат килинмаса, жамият ривожига салбий таъсирини кўрсатаверади. Айни чоғда хотин-кизларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида уларни “Аёллар дафтари”га олиш орқали кўмак бериш тизими давлатимиз раҳбарининг алоҳида назоратида.

Мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан сўнгги йилларда бу борадаги анъаналаримизга қаратилаётган юксак эътибор туфайли хотин-қизларнинг оила ва жамиятда тутган ўрни, фаоллиги ошиб бораётир.

Жорий йилнинг 1 март куни хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизими ҳамда уларнинг жамиятдаги мавқеини янада мустаҳкамлаш масалалари бўйича давлатимиз раҳбари раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида бу йўналишда амалга оширилаётган ишлар таҳлил этилиб, истиқболдаги вазифалар белгилаб берилди.

**“Бугунги фаровон ҳаётимиз ҳам, ёруғ келажагимиз ҳам аёлларга боғлиқ. Агар халқимиз биздан рози бўлишини хоҳласак, аввало, мўътабар оналаримиз, опа-сингилларимиз учун муносиб турмуш шароитлари яратишимиз керак. Она рози бўлса, оила рози бўлади, оила рози бўлса, жамият рози бўлади”** дея таъкидлади давлатимиз раҳбари ўша йиғилишда.

3-бет

## МУКОФОТ МУБОРАК!

### ҚУРИЛИШГА АТАЛГАН 38 ЙИЛ...

**Ислом ИБОДУЛЛА,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Қурилиш соҳасида кўп йиллик тажрибага эга муҳандис-қурувчи аёллар бисёр. Улар ўлкамизнинг турли бурчакларида истиқомат қилиб, яшаб турган ҳудудларининг архитектуравий янгиланишига ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқда. Каттақўрғон туманидаги “Temur musofo qurilish” масъулияти чекланган жамияти бош муҳандиси Мақсуда опа Холова ҳам шундай фидойи инсонлардан биридир.**

38 йил... Шунчаки вақт эмас. Бу Мақсуда опанинг қурилишга бағишлаган умри. Шунинг учун ҳам у кишини Каттақўрғонда ҳамма бирдек ҳурмат қилади. Бу муддат давомида ўнлаб шогирдлар тайёрлаб, уларни малакали мутахассис даражасига олиб чиқди. Мақсуда опа 1984-1985 йилларда “ПМК-160” қурилиш корхонасида мастер лавозимида ўз фаолиятини олиб борган. 1985 йилдан 2015 йилгача



тумандаги “Pardoz” МЧЖ, 2015 йилдан ҳозирга кунга қадар эса, “Temur musofo qurilish” масъулияти чекланган жамиятида бош муҳандис вазифасида фаолият юритиб келмоқда.

3-бет

### БАҲОРГА ЎХШАЙДИ, АСЛИДА АЁЛ

**Райҳона ХЎЖАЕВА,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Баҳор ва аёл. Бу иккиси нега бир-бирига ўхшашини биласизми? Иккиси ҳам бирдек гўзал, эрка ва латофатли. Иккисининг ҳам кайфияти ўзгарувчан. Бир зумда кулиб, бир зумда кўзига ёш олиши мумкин. Аммо улар барибир, қадрли, шу хислатларию камчиликлари билан севимли...**

Ҳар баҳорда шу бўлар такрор, деганларидек юртимизга бу фасл аёллар байрами билан кириб келади. Келинчак фаслни 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни байрами билан бошлаш аллақачон анъанага айланган.

Яна бир анъана, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “8 Март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан мукофотлаш тўғрисида”ги Фармонидир. Бу йил ҳам ушбу фармонга кўра, юртимизнинг бир қатор ташаббускор ва меҳнаткаш аёллари мукофотланди. Хусусан, Навоий шаҳридаги “Ҳумо Зилола барҳаёт” профессионал бошқарув компанияси раҳбари Озода Жўраева “Дўстлик” ордени билан тақдирланди.



Озода Жўраева

3-бет

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№17-18 (570-571) 2022 йил 8 март

# МЕҲР-ОҚИБАТ ВА САДОҚАТ ТИМСОЛИ, ХОНАДОНЛАРИМИЗ ФАРИШТАСИ

1-бет

Бу мақсадлар Тараққиёт стратегиясининг ҳам муҳим йўналишларидан бири. Шунга мувофиқ, 1 март куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида хотин-қизлар учун янада кенг имкониятлар белгиланди. Бу вазифаларни тизимли ва самарали амалга ошириш мақсадида Бош вазир ўринбосари лавозими қайта тикланди ҳамда Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси ташкил этилди.

Республикадаги 9,5 мингга яқин маҳалла раисининг хотин-қизлар ва оила бўйича ўринбосарлари ҳам қўмита тизимига ўтказилди. Ҳар бир маҳаллада хотин-қизлар фаоли лавозими янгидан жорий қилинди. Бу орқали, опа-сингилларимизнинг муаммолари, дарду ташвишлари билан доимий шуғулланадиган адолатли ва самарали тизим яратилди.

2022-2026 йилларга мўлжалланган Хотин-қизлар таълимини қўллаб-қувватлаш миллий дастури қабул қилинади.

Президентимиз ташаббуси билан жамоатчиликка, аввало, ёшларга тарбиявий таъсир кўрсата оладиган, обрў-эътиборли аёлларни ўз сафида бирлаштирган “Оқила аёллар” ҳаракати ташкил топмоқда. Шунингдек, барча меҳнат жамоаларида хотин-қизларнинг муаммоларига самарали ечим топиш учун “Аёллар кенгашлари” тузилмоқда.

Тадбиркор хотин-қизларни янада кўпайтириш мақсадида “Бизнесчи аёллар” дастури қабул қилиниб, унинг доирасида 8 триллион сўм маблағ йўналтирилади.

Шунингдек, жорий йилда ипотека кредитлари бўйича бериладиган субсидияларнинг 40 фоизи хотин-қизлар учун ажратилади. Бу муҳтож аёлларни 12 мингта қулай уй-жой билан таъминлаш имкониятини беради.

Тарихимизда илгари бўлмаган бундай кенг кўламли ишлар ижроси учун 15 триллион сўм маблағ йўналтирилади.

– Хотин-қизлар ва оила масаласи – бу нафақат бугунги кунимиз, балки эртанги келажагимизни ҳам белгилаб берадиган ҳал қилувчи омилдир. Агар биз меҳр-оқибат ва садоқат тимсоли, хонадонларимиз фариштаси бўлган аёлларга битта яхшилик қилсак, ҳеч шубҳасиз, бу ўнта яхшилик бўлиб қайтади, – дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз хотин-қизларга мурожаат қилиб, уларни буюк ишларга руҳлантирди:

– Биз мамлакатимизни ҳар томонлама юксалтириш учун, янги тарихий даврга қадам қўйдик. Фарзандларимиз қалбига улуғ мақсадлар, олижаноб ғояларни сингдириш – барча Ўзбекистон оналарининг шарафли бурчидир. Юксак фазилатли, мард ва жасур, ватанпарвар ёш авлодни тарбиялаб вояга етказиш, албатта, сизларга боғлиқ. Бу – ёруғ келажакка йўналтирилган энг катта инвестиция ва битмас-туганмас бойликдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 5 мартдаги фармонига мувофиқ бир гуруҳ хотин-қизлар юксак унвон, орден ва медаллар билан, Президент қарорига биноан эса йигирма саккиз нафар қиз Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланган эди.

Байрам тадбирида ана шу юксак мукофотлар тантанали равишда топширилди.

– Барчангизни яна бир бор бугунги баҳор ва нафосат, гўзаллик ва латофат байрами билан самимий табриклайман. Сизларга дунёдаги энг бебаҳо бойлик – оилавий бахт-саодат, тинчлик-хотиржамлик, фарзандлар ва набиралар камолини кўриб юриш қувончи ҳамиша ёр бўлишини тилайман. Қалбингиз доим бугунги баҳордек яшнаб турсин, – деди Президент.

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан ташриф буюрган хотин-қизлар, турли вазирлик ва идоралар ходимлари файзли дастурхон атрофида байрамни нишонлади. Тадбирда чет эллик дипломат аёллар, халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари ҳам иштирок этди.

Байрам тантанали концерт дастури билан давом этди.

**ЎзА.**

# ОЛИМПИЯ ШАҲАРЧАСИ ЛОЙИҲАСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 7 март куни Тошкент шаҳрида режалаштирилган қурилиш ва кўкаламзорлаштириш ишлари тақдимоти билан танишди.

Маълумки, 2025 йилда Тошкент шаҳрида Ёшлар ўртасидаги Осиё ўйинлари ўтказилади. Унга қитъамиздан кўплаб спортчи ва мураббийлар, мухлислар, журналистлар келади. Бу нуфузли мусобақани юқори савияда ўтказиш мақсадида пойтахтимизнинг Яшнобод туманида Олимпия шаҳарчаси қурилиши режалаштирилган. Унинг лойиҳаси Англиянинг “Arup” муҳандислик компанияси томонидан ишлаб чиқилган.

Лойиҳага кўра, шаҳарча марказида олимпия стадиони, унинг икки ёнида ёпиқ спорт мажмуалари, сув спорти саройи, машғулот майдончалари, эшкак эшиш ҳавзаси барпо этилади. Барча шароитлар Осиё Олимпия кенгаши ва халқаро спорт федерациялари талабларига мувофиқ бўлади. Маъмурий бино, ётоқхона, музей ва хўжалик объектлари ҳам қурилади.

Мусобақалардан ташқари вақтда шаҳарча ўқув-машғулот базаси бўлиб хизмат қилади. Бу ерда Олий спорт маҳорати институти, спорт федерациялари ва соҳадаги бошқа муассасалар фаолият олиб боради.

Яна бир муҳим жиҳат: шаҳарча жойлашадиган Янги Ўзбекистон кўчаси бўйлаб дарахтлар экилиб, сайилгоҳ ташкил этилади. У ер аҳоли учун очиқ бўлиб, сайр қилиш, спорт билан шуғулланиш мумкин бўлади.

Давлатимиз раҳбари лойиҳанинг қиймати, спортчи ва томошабинлар учун яратиладиган қулайликларни синчиклаб сўради. Мутасаддиларга ишлар ҳажми ва зарур маблағ миқдорини йилма-йил ҳисоб-китоб қилиб, аниқ режа шакллантириш, қурилиш бўйича тендер эълон қилиш юзасидан кўрсатмалар берди.

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш бўйича йиғилишда Президентимиз йўл четларида гуллайдиган ва барги рангли дарахтлар экиш мақсадга мувофиқлигини айтган эди. Тақдимотда шу борадаги режалар кўриб чиқилди.

Бунинг учун Тошкент шаҳрининг Кичик ҳалқа йўли, Мустақиллик, Навоий, Ислом Каримов, Афросиёб, Шаҳрисабз, Ойбек, Бобур каби 21 та кўчаси танлаб олинган. Уларда каштан, сирень, шумтол, лола дарахти, чинор, жўка каби манзарали кўчатлар экиш режалаштирилган. Шунингдек, дарахтларнинг танаси тўғри ва илдизи мустаҳкам бўлиши учун репикаж усулида етиштириш мўлжалланган.

Давлатимиз раҳбари манзарали кўчатлар билан бирга маҳаллаларда анжир, анор, хурмо каби мевали дарахтлар экиш, ишкомли кўчалар ташкил қилиш муҳимлигини таъкидлади.

**ЎзА.**

# АЁЛ ҚАДРИ УЛУҒЛАНГАН ЮРТДА ТИНЧЛИК ВА ФАРОВОНЛИК БАРҚАРОР БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи

1-бет

Ҳар қандай халқнинг етуклик даражасини, аввало, аёлларнинг илмий-маданий камолоти белгилаб бериши, оқила ва ўқимишли оналар миллатнинг буюк келажагини яратишлари ҳаммамизга яхши аён. Шу боис донишмандлар:

**“Битта қиз болани ўқитсангиз – бутун оилани ўқитган бўласиз”**, деб бежиз таъкидламаганлар.

Қизларимизнинг замонавий билимлар ва касб-ҳунар эгаси бўлиб, жамиятда ҳамда ўз оиласида муносиб ўрин топиши учун бошлаган ишларимизни бундан кейин ҳам изчил давом эттирамиз. Бу борада, аввало, 2022-2026 йилларга мўлжалланган **Хотин-қизлар таълимини қўллаб-қувватлаш миллий дастури**ни қабул қиламиз. Ушбу ҳужжат доирасида пойтахтда хотин-қизлар учун алоҳида университет ва жойларда унинг техникумларини ташкил этамиз. Барча талаба қизларга таълим контрактларини тўлаш учун 7 йил муддатга фоизсиз кредит бериш тартиби жорий қилинади.

Ушбу ишларимизнинг мантиқий давоми сифатида илмий изланиш ва кашфиётлари билан юртимиз равнақига катта ҳисса қўшиб келаётган олима аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ишларини янги босқичга кўтарамиз.

Маълумки, бугунги кунда опа-сингилларимиз орасида ўнлаб академик ва профессорлар, фан докторлари ва фан номзодлари, юзлаб истеъдодли тадқиқотчилар бор. Илм-фан билан шуғулланиш, илмий янгилик яратиш – бу игна билан қудуқ қазишга баробар.

Мен ўзим шу соҳадан чиққаним учун бу ишнинг нақадар қийин ва мураккаб эканини яхши биламан. Шунинг учун ҳам оила ташвишлари ва фарзанд тарбиясини илмий-тадқиқот билан бирга олиб бораётган, бу борада амалий ютуқ ва натижаларга эришаётган олима аёлларни шахсан мен чинакам матонат ва жасорат соҳибалари деб биламан ва юксак қадрлайман.

Зукко ва билимдон хотин-қизларнинг илм-фанга бўлган қизиқиш ва иштиёқини ошириш мақсадида биз бир қанча муҳим чора-тадбирлар белгиладик. Жумладан, келгуси ўқув йилидан бошлаб магистратурада ўқиётган барча қизларнинг контракт пулларини тўлиқ бюджетдан қоплаб бериш учун ҳар йили 200 миллиард сўм маблағ йўналтирилади; докторантура йўналишида хотин-қизлар учун ҳар йили камида 300 тадан мақсадли квота ажратилади.

Бу ишларни тизимли равишда ташкил қилиш ва мувофиқлаштириш мақсадида Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси ҳузурида “Олима аёллар жамияти” тузилади. Ушбу жамият мамлакатимизда ва хорижда илм-фан соҳасида юксак ютуқларга эришаётган олима аёлларимизни жипслаштириб, уларнинг ақл-заковат нурини ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасига кириб бориши учун ўзига хос парвоз майдонига айланади.

Заҳматкаш олималарнинг машаққатли ва шарафли меҳнатини муносиб рағбатлантириш, улар учун ҳар жиҳатдан қулай шароит яратиш мақсадида “Олима аёллар жамияти”га ҳар йили 50 миллиард сўм маблағ ажратилади.

Умуман олганда, юқорида айтилган барча мақсадларга жорий ва келгуси йил учун 1,8 триллион сўм йўналтирилади.

Ҳурматли йиғилиш қатнашчилари!

Хабарингиз бор, яқинда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича ўтказилган йиғилишда ҳам бу борада олдимизда турган энг муҳим масалаларни атрофлича муҳокама қилиб олдик. Шу асосда муҳим фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Ушбу вазифаларни тизимли ва самарали амалга оширишни таъминлаш мақсадида Бош вазир ўринбосари лавозими қайта тикланди ҳамда Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси ташкил этилди.

Республикадаги 9,5 мингга яқин маҳалла раисининг хотин-қизлар ва оила бўйича ўринбосарлари ҳам қўмита тизимига ўтказилди. Ҳар бир маҳаллада хотин-қизлар фаоли лавозими янгидан жорий қилинди.

Шу тариқа опа-сингилларимизнинг муаммолари, дарду ташвишлари билан доимий шуғулланадиган адолатли ва самарали тизим яратилди.

Энди мамлакатимизда аёлларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича ёндашувлар ҳам тубдан қайта кўриб чиқилади. Жумладан, эҳтиёжманд аёлларга зарур шароитлар яратиш, хотин-қизлар саломатлигини тиклаш ва муҳофаза қилиш, айниқса, қишлоқ жойларда яшайдиган аёлларнинг касб-ҳунар эгаллашига кўмаклашиш, бандлигини таъминлаш, тадбиркорликка жалб қилиш бўйича муҳим тадбирлар амалга оширилади.

Мамлакатимизда тадбиркорлик соҳасида ишлаётган хотин-қизлар сонини янада кўпайтириш мақсадида “Бизнесчи аёллар” дастури қабул қилиниб, унинг доирасида 8 триллион сўм маблағ йўналтирилади. Шунингдек, жорий йилда ипотека кредитлари бўйича бериладиган субсидияларнинг 40 фоизи хотин-қизлар учун ажратилади. Бу муҳтож аёлларни 12 мингта қулай уй-жой билан таъминлаш имкониятини беради.

Тарихимизда илгари бўлмаган бундай кенг кўламли ишлар ижроси учун 15 триллион сўм маблағ йўналтирилмоқда.

Барча ҳудудларимизда жамоатчиликка, аввало, ёшларга тарбиявий таъсир кўрсата оладиган, обрў-эътиборли аёлларни ўз сафида бирлаштирган “Оқила аёллар” ҳаракатини сизлар билан бирга ташкил этсак, бу эзгу ҳаракат том маънода жамиятимиз овозига, маҳалла виждонига айланади, деб ўйлайман.

Шунингдек, мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча меҳнат жамоаларида хотин-қизларнинг муаммоларига самарали ечим топиш учун “Аёллар кенгашлари” тузилмоқда.

Бир фикрни алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман: хотин-қизлар ва оила масаласи – бу нафақат бугунги кунимиз, балки эртанги келажагимизни ҳам белгилаб берадиган ҳал қилувчи омилдир.

**Агар биз меҳр-оқибат ва садоқат тимсоли, хонадонларимиз фариштаси бўлган аёлларга битта яхшилик қилсак, ҳеч шубҳасиз, бу ўнта яхшилик бўлиб қайтади. Дуогўй момоларимиз, муштипар оналаримиз ва азиз опа-сингилларимиз бу эҳтиром ва эътиборнинг албатта қадрига етадилар. Аёл қадри, инсон қадри улуғланган юртда эса, тинчлик ва фаровонлик, аҳиллик ва барака албатта барқарор бўлади.**

Ҳурматли байрам тадбири қатнашчилари!

Ҳозирги кунда хотин-қизлар мамлакатимиздаги демократик жараёнларнинг, халқчил ислоҳотларнинг фаол ва ташаббускор иштирокчисига айланиб бораётгани барчамизни қувонтиради.

Биз республикамиз бошқарув тизимида, парламент ва маҳаллий кенгашларда, турли соҳаларда билимдон ва фидойи опа-сингилларимизнинг улушини кўпайтиришга алоҳида аҳамият қаратамиз. Уларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва нуфузини янада кучайтириш бундан буён ҳам эътиборимиз марказида бўлади.

Фурсатдан фойдаланиб, она Ватанимиз равнақи йўлида фидокорона меҳнат қилаётган сизлар каби минг-минглаб жонкуяр аёллар, фаол қизларимизга ўз номимдан, бутун халқимиз номидан чуқур миннатдорлик изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Шу билан бирга, бугунги файзли даврамизда иштирок этаётган дипломат хонимларни – хорижий давлатларнинг ҳурматли элчилари ва халқаро ташкилотлар вакилларини ҳам чин дилдан самимий қутлайман. Сизларга ўзаро манфаатли ва кўпқиррали муносабатларимиз ривожига қўшаётган муносиб ҳиссангиз учун алоҳида ташаккур изҳор этаман.

Айниқса, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг Марказий Осиё масалалари бўйича махсус вакили Наталия Герман хоним олияларини бугунги байрамда иштирок этаётганликлари учун алоҳида миннатдорлик билдирамиз. Бугунги байрам билан ушбу меҳмонимизни ҳам самимий табриклаб, минтақамизда яқин қўшничилик ва кўпқиррали ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш борасидаги масъулиятли ишларида улкан муваффақиятлар тилаймиз.

Азиз опа-сингиллар!

Биз жонажон Ватанимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини бунёд этишни ўз олдимизга буюк мақсад қилиб қўйганмиз. Бу эзгу ва шарафли йўлда энг аввало, оиланинг муқаддас қадриятларига ва чин мураббий бўлган оналаримизнинг теран маънавиятига таянамиз.

Шу боис мен сизларга мурожаат этиб айтмоқчиман.

Биз мамлакатимизни ҳар томонлама юксалтириш учун янги тарихий даврга қадам қўйдик.

**Фарзандларимиз қалбига улуғ мақсадлар, олижаноб ғояларни сингдириш – барча Ўзбекистон оналарининг шарафли бурчидир.**

**Юксак фазилатли, мард ва жасур, ватанпарвар ёш авлодни тарбиялаб вояга етказиш албатта сизларга боғлиқ. Бу – ёруғ келажакка йўналтирилган энг катта инвестиция ва битмас-туганмас бойликдир.**

Шу ўринда шижоатли ва дилбар қизларимга ҳам кўнглимдаги бир фикрни айтмоқчиман.

Бугун биз эркин ва очиқ жамиятда яшамоқдамиз. Бу имкониятдан тўғри фойдаланиб, давр билан ҳамқадам бўлишимиз, замонавий илм ва касб-ҳунарларни эгаллаб, илғор тараққиёт ютуқларини ўзлаштиришимиз, айни вақтда миллий ўзлигимизга содиқ қолишимиз керак. Сизлар эл-юртимизнинг ана шундай юксак умиди ва ишончига муносиб бўласизлар, деб ишонаман.

Қадрли ватандошлар!

Маълумки, турли соҳаларда ўз иқтидорини намоён этиб келаётган истеъдодли қизларимизни ҳар йили мана шу қутлуғ байрам арафасида Зулфия номидаги давлат мукофоти билан тақдирлаш яхши анъанамизга айланган.

Бугун Зулфияхонимга муносиб издош сифатида эътироф этилиб, совриндорлар сафида турган яна 28 нафар зукко фарзандларимни кўриб, қалбим чексиз фахр ва қувончга тўлмоқда. Сизлар каби юксак марраларга интилувчан қизларимни чин юракдан табриклаб, намунали фаолиятингиз ва етакчилик фазилатларингиз билан тенгдошларингизга ўрнак бўласизлар, деб ишонаман.

Шунингдек, ушбу файзли лаҳзаларда кўп йиллар давомида давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирок этиб, фидойи меҳнати билан ўз соҳасида катта ютуқ ва натижаларга эришаётган бир гуруҳ аёлларимизни юксак давлат мукофотлари билан тақдирлаймиз.

Сизларнинг ҳар бирингиз ўз ғайрат-шижоатингиз, тафаккур ва тажрибангиз билан Янги Ўзбекистонимиз равнақи ва она халқимиз фаровонлиги учун беқиёс хизмат қилмоқдасиз.

Эл-юрт эътибори ва чексиз меҳрини қозонган ҳар қандай киши ўзини бахтиёр ҳис этишга ҳақлидир.

**Шу маънода, давлатнинг юксак мукофотларига сазовор бўлиш, бу аввало, халқнинг назарига тушиш, унинг дуосини олиш демакдир.**

Бугунги қувончли айёмда сизларга, азиз опа-сингилларим ва мунис қизларимга ана шу мукофотларни топшириш менга улкан мамнуният бағишлайди.

Муҳтарама опа-сингиллар!

Суюкли қизларим!

Барчангизни яна бир бор бугунги баҳор ва нафосат, гўзаллик ва латофат байрами билан самимий табриклайман.

Сизларга дунёдаги энг бебаҳо бойлик – оилавий бахт-саодат, тинчлик-хотиржамлик, фарзандлар ва набиралар камолини кўриб юриш қувончи ҳамиша ёр бўлишини тилайман.

Иқболингиз баланд, умрингиз узоқ, ҳаётингиз фаровон бўлсин!

Қалбингиз доимо баҳордек яшнаб турсин!

Ҳамиша соғ-омон бўлинглар!

# ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ЭКСПОРТНИ КЎПАЙТИРИШ, ОЗИҚ-ОВҚАТ БОЗОРИНИ ТЎЛДИРИШ ВАЗИФАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 7 март куни видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Унда тармоқ ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича жорий йил учун белгиланган мақсадли кўрсаткичларга эришиш борасида ҳукумат томонидан кўрилаётган чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, жорий йилнинг январь-февраль ойларида 687 миллион доллар хорижий инвестиция, шу жумладан, 615 миллион доллар тўғридан-тўғри сармоя ўзлаштирилган. Йил бошидан 506 та лойиҳа доирасида умумий қиймати 337 миллион доллар бўлган қувватлар ишга туширилиб, 7 мингта янги иш ўрни яратилган.

Ўтган икки ойда товар ва хизматлар экспорти ҳажми 1,7 миллиард доллардан ортиб, 2021 йилнинг шу даврига нисбатан 20 фоиз ошган. Хусусан, мамлакатимиз корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган қурилиш материаллари экспорти қарийб 2 баравар, электротехника маҳсулотлари экспорти 1,5 баравар, тўқимачилик ва озиқ-овқат маҳсулотлари экспорти 1,3 баравар ўсган.

Йиғилишда тармоқ ва ҳудудлар раҳбарларига инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида амалга ошириш, товарларни экспортга етказишда логистика масалаларини тезкор ҳал қилиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Давлатимиз раҳбари ички истеъмол бозорида нархлар барқарорлигини таъминлаш масалалаларига алоҳида тўхталди.

Жорий йилнинг икки ойида инфляция даражаси 1,38 фоизни ташкил этгани, бу 2021 йилнинг шу давридаги кўрсаткичдан (1,7 фоиз) пастлиги қайд этилди.

Айни пайтда глобал бозорлардаги нархларнинг кескин тебранишини ҳисобга олиб, мутасадди идоралар ва ҳудудлар раҳбарларига ички бозорда нархлар барқарорлигини сақлаш, энг аввало, аҳолини етарли миқдорда озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар кўриш лозимлиги таъкидланди.

Президент томорқа хўжаликларини ривожлантириш ва уларда ички бозорда талаб юқори бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун аҳолига қўшимча 80 минг гектар ер майдонлари ажратиш борасидаги ишларга танқидий баҳо берди.

Шунингдек, мева-сабзавотчилик учун ажратилган 2 триллион сўм давлат маблағларининг натижадорлигини ошириш, уларни ўзлаштиришни тезлаштириш бўйича аниқ кўрсатмалар берилди.

Ҳудудлар раҳбарларига озиқ-овқат бозорига маҳсулотларни узлуксиз етказиш, бунинг учун зарур захираларни шакллантириш вазифаси қўйилди.

**ЎзА.**

## ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИДА

# Мўътабар зотларга эҳтиром бажо келтирилди

**Аёл инсондир, биз эса инсон фарзанди. Бизнинг жамики эзгу хислатларимиз, идрок ва тафаккуримиз шу Инсоннинг ижодидир. Аёлларни ҳар қанча алқасак, таърифига турфа сўз битсак ҳам оз. Кеча Қурилиш вазирлигида 8 март – Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан бўлиб ўтган тантанали маросимда оқила ва зукко аёл шахсияти яна бир карра эътироф этилди.**



Маросимда қурилиш вазири Батир Закиров иштирок этиб, вазирлик тизимида меҳнат қилаётган хотин-қизларни байрам билан табриклади.

– Мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш, хусусан, мўътабар аёл зотига ҳар томонлама эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, опа-сингилларимизнинг давлат ва жамоат ҳаётида тутган ўрни ҳамда нуфузини ошириш борасида Президентимиз томонидан олиб борилаётган изчил ислоҳотлар бугун ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасига кириб бормоқда, – деди у ўз чиқишида.

Тантанали тадбир сўнггида ўлкамиздаги бунёдкорлик жараёнларига муносиб ҳисса қўшиб келаётган вазирлик тизимида меҳнат қилаётган аёлларга байрам совғалари улашилди.

**Ўз мухбиримиз.**

# ХОТИН-ҚИЗЛАРИ ЭЪЗОЗЛАНГАН ЮРТ УЛКАН МАҚСАДЛАРГА ЭРИШАДИ

1-бет

Тараққиёт стратегиясида инсон қадрини улуғлашга қаратилган ижтимоий ҳимоя сиёсати бўйича бир қатор вазифалар белгиланган. Жумладан, 2026 йилга қадар эҳтиёжманд аҳоли ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам билан тўлиқ қамраб олинади. “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида ёрдамга муҳтож аёллар, ёшлар ва ногиронлиги бўлган шахслар бўйича алоҳида маълумотлар базаси яратилган ҳолда “Темир дафтар”, “Ёшлар дафтари” ва “Аёллар дафтари” “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” билан интеграция қилинади.



Аёллар муаммоларини ўрганиш натижасида ижтимоий ҳимояга муҳтож, ишсиз, меҳнатга қобилиятсиз, ўзгалар парваришини талаб қиладиган, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган хотин-қизлар бугунги кунда “дафтар”дан жой олган. Ушбу тизим 2020 йилда бошланган бўлиб, ўтган йили кўпроқ эътибор ҳудудларда “аёллар дафтари” рўйхатини шакллантиришга қаратилган эди. Жорий йилда эса ушбу тизим асосида хотин-қизлар муаммоларини ҳал этиб, уларни “аёллар дафтари”дан чиқариш чораларини кўриш тегишли давлат идоралари ва ташкилотларининг муҳим вазифасига айланди.

Шу онда бу “дафтар” орқали қанчадан-қанча олис ҳудудларда ўз ташвиш-ўйларига ўралашиб, дардини айтолмай юрган аёллар кўз ўнгимизда гавдаланади. Боқувчисини йўқотиб, жўжабирдай жон бўлган болаларининг кўзига термилиб, ғойибдан умидвор бўлган оналар, узоқ муддат чет элда бўлиб, сарсон-саргардонликда қолиб, қийинчиликларнинг чегарасидан ўтолмай, не машаққатлар билан юртимизга келиб, қай ишга бош суқишини билмай турган аёллар жонланади хаёлимизда. Одам савдоси қурбони бўлган, оилавий зўравонликлардан эзилган опа-сингилларимиз ёдга тушади. Ажрим ёқасига келиб қолган, боласига “Сен энди етим бўлиб қолдинг”, деёлмай турган опа-сингилларимизнинг нигоҳлари кўз ўнгимизда намоён бўлади. Санайверсак, саноғи кўп бундай муаммолар бугунги кунда юртимизда изчил ҳал қилинмоқда. “Аёллар дафтари” бу борада муҳим аҳамият касб этаётир.

Хусусан, биргина ўтган йилнинг ўзида аёллар тадбиркорлиги дастурлари доирасида 200 мингдан зиёд лойиҳага 2 триллион сўм кредит ва субсидия ажратилиб, 320 минг хотин-қиз доимий иш ўрнига эга бўлди. 190 минг аёл касб-ҳунарга ўқитилди. 2020 йилдан бошлаб “Аёллар дафтари” тизими йўлга қўйилиб, унга киритилган 900 мингга яқин хотин-қизга ижтимоий-иқтисодий, тиббий, ҳуқуқий ва психологик кўмак берилган. Бу чора-тадбирлар аёлларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, ҳаётдан рози бўлишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Кейинги беш йилда хотин-қизларнинг фаровон ҳаёт кечиришлари борасида қатор қонунлар, Президентнинг Фармон ва қарорлари қабул қилинди. Биринчи марта Олий Мажлис Сенатида Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси ташкил этилди. Шашти баланд, ташаббускор ва етакчилик қобилияти бор аёллар масъулиятли лавозимларга жалб қилинмоқда. Бугунги кунда 1 400 га яқин аёллар республика ва вилоятлар, 43 мингдан зиёди эса туман ва шаҳарлар даражасидаги раҳбарлик лавозимларида ишламоқда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳасини тубдан ислоҳ этиш баробарида хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш борасидаги хайрли ишларни ривожлантиришда ҳам муҳим дастуриламал бўлди. Ушбу ҳужжат асосида ўтган йилларда аҳоли, айниқса, ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлашга оид муҳим чора-тадбирлар кўрилди. Жумладан, янги иш ўринлари яратиш орқали бандликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, одамлар ишли бўлса, аҳоли жон бошига даромад кўпайса, оилада тинчлик, ишда унум бўлади.

Ҳозирги кунда “Аёллар дафтари” билан ишлаш тизимининг 3-босқичи бошланди. Мазкур босқични ташкил этиш бўйича тегишли вазирлик ва ташкилотлар, маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда жорий йилда ҳам қатор ишлар амалга оширилиши белгиланган.

“Аёллар дафтари”нинг учинчи босқичида, аввало, аёлларнинг муаммолари қайтадан ўрганилади. Бунда ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизлардан ҳеч бири четда қолиб кетмаслигига алоҳида эътибор берилади. “Темир дафтар”га киритилган оилалардаги хотин-қизлар ва фарзанди “Ёшлар дафтари”га киритилган аёллар, 1 ва 2-босқичларда 1-тоифа бўйича рўйхатга олинган ҳамда доимий иш ўрни билан таъминланган ёки тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйган хотин-қизлар “Аёллар дафтари”га киритилмайди.

Бу олижаноб ишлардан кўзланган мақсад аниқ – аёлларни рози қилиш, фаровонлигини ошириш. Аёл ҳаётдан рози бўлса, жамиятда файз, оилада хотиржамлик ҳукм суради. Зотан, ўз меҳнатида манфаат, интилиш ва изланишларида рағбат ва эътибор борлигига ишонган хотин-қизлар шижоати жуда кўп эзгу ишларга қодир.

Бу мақсад “Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари” тамойилига асосан ишлаб чиқилган 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ва уни “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида ҳам устувор йўналиш этиб белгиланган. Стратегияда инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш, адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш, миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлашдек вазифалар белгиланганки, улар одамларнинг турмуш шароитини яхшилаш, ҳаётдан рози бўлиб яшашларини таъминлашга хизмат қилади.

Президентимиз раислигида ўтказилган йиғилишда ҳам нозик хилқат эгалари учун таълим шароитларини кенгайтириш бўйича тарихий қарорлар қабул қилинди. Жумладан, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Хотин-қизлар таълимини қўллаб-қувватлаш дастури ишлаб чиқилади. Дастур доирасида пойтахтимизда, асосан, хотин-қизларни ўқитиш учун давлат-хусусий шериклик асосида тўқимачилик соҳасида алоҳида университет ташкил этилади. Пахта-тўқимачилик ва пиллачилик кластерлари иштирокида жойларда университетнинг техникумлари ҳам очилади. Аёлларимиз улуши паст бўлган аниқ фанлар, техника ва ҳуқуқшунослик йўналишидаги ОТМларида хотин-қиз талабалар улуши ҳозирги 24 фоиздан 40 фоизгача етказилиши кўзда тутилмоқда.

Янги ўқув йилидан бошлаб таълим контрактларини тўлаш учун қизларга илк маротаба 7 йил муддатга фоизсиз кредит бериш жорий қилинади. Бунинг учун жорий йилда банкларга 1 триллион 800 миллиард сўм, келгуси беш йилда 8 триллион сўм маблағ ажратилади.

Яна бир янгилик. Келгуси ўқув йилидан бошлаб магистратурада ўқиётган қизларнинг контракт пуллари бюджетдан тўлиқ қоплаб берилади. Шунингдек, эҳтиёжманд оила вакиллари, ота ёки онасини йўқотган талаба қизларнинг таълим контракти маҳаллий бюджетдан тўланади.

Жамиятимизда олима аёллар улушини сезиларли ошириш учун докторантура йўналишида ҳар йили камида 300 тадан мақсадли квота ажратилади. Аввал бундай имконият бўлмаганини ҳисобга олсак, яратилаётган енгилликлар нозик жинс вакилларининг ҳаётда ўз ўрнини топишларида катта аҳамиятга эга эканини англаш қийин эмас.

Энг асосий масалалардан бири, албатта, аёллар саломатлиги. Очиғини айтиш керак, жойларда, айниқса, чекка ҳудудларда тиббий хизматлар сифати талаб даражасида эмас. Туғиш ёшидаги аёллар орасида камқонлик ҳолатлари учраб туради. Бундан ташқари, хотин-қизлар ўртасида нафас олиш, ҳазм қилиш аъзолари, юрак-қон томир тизими касалликлари ҳам кўп. Шу каби тиббий ёрдамга муҳтожлиги аниқланган хотин-қизлар алоҳида назоратга олиниб, тор доирадаги шифокорлар жалб қилинган ҳолда даволаш ишлари олиб борилаётганини ҳам таъкидлаш ўринли. Хусусан, жорий йилда 6 минг нафар аёлга юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатилади. Ногиронлиги бўлганлар реабилитация воситалари билан таъминланади. Уч миллион нафар хотин-қиз онкологик скринингдан ўтказилади. Шунингдек, йиғилишда қизларни эмлаш, фертиль ёшдаги аёлларни дори ва витаминлар билан бепул таъминлаш бўйича топшириқлар берилди. Давлат томонидан бериладиган бундай даражадаги юксак эътибор мамлакатимизда аёл зотини қадрлаш, соғлом авлод тарбиясига бўлган улкан ғамхўрликдан далолат.

Йиғилишда аёллар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш борасида ҳам муҳим вазифалар белгиланди. Бу жабҳадаги ишларни янада ривожлантириш мақсадида 2022-2024 йиллар учун “Бизнес аёллар” дастури қабул қилинади. Унинг ижросига 8 триллион сўм йўналтирилади, аёллар учун тадбиркорлик курслари ташкил этилади, имтиёзли кредитлар берилади. Давлатимиз раҳбари эҳтиёжманд хотин-қизлар бандлигини таъминлаган тадбиркорларни ҳам қўллаб-қувватлаш зарурлигини таъкидлади. Улар учун кўплаб солиқ ва бошқа имтиёзлар белгиланди.

Тараққиёт стратегиясида ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича тегишли ҳужжатларда назарда тутилган бундай устувор вазифалар аҳолининг бандлигини таъминлаш ва реал даромадини ошириш, арзон ижтимоий уй-жойлар қурилишини кенгайтириш, ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга хизмат қилиши билан аҳамиятли. Демак, бу йўналишда белгиланган чора-тадбирлар ижросини таъминлашда ҳаммамиз масъулиятни теран ҳис қилган ҳолда, бор билим ва салоҳиятимизни сафарбар этишимиз лозим.

Юртимизда яшаётган ҳар бир аёлнинг ҳаётдан рози бўлиб яшаши учун барча шароитлар, улкан имкониятлар яратилаётгани хотин-қизларга бўлган юксак эътиборнинг ифодасидир. Аёллари эъзозланган мамлакат эса барча улкан мақсадларга, албатта, эришади.

**Ўз мухбиримиз.**

# ҚУРИЛИШГА АТАЛГАН 38 ЙИЛ...

1-бет

Мақсуда опанинг ишига садоқати ва кўп йиллик тажрибаси ортида жамият фаолиятида бирмунча ютуқларга эришилди.

– Каттақўрғон тумани “Temur musofo qurilish” МЧЖ томонидан 2020 йилда Каттақўрғон туманидаги 755 ўринли 40-умумий ўрта таълим мактаби 2,481 миллиард сўм пул маблағлари ҳисобига мукаммал таъмирдан чиқарилди, – деди Мақсуда опа Холова – Бундан ташқари, тумандаги уй-жой қурилишларида фаол иштирок этиб, турар жойлар барпо этилишида жонбозлик кўрсатди. Мундиён маҳалласи биноси 377 миллион сўм маблағ эвазига реконструкция қилинди. 2021 йилда Каттақўрғон тумани 21-умумий ўрта таълим мактаби 2,609 миллиард сўм эвазига қурилиб, фойдаланишга топширилди. Каттаминг маҳалласидаги 120 ўринли 42-сонли мактабгача таълим муассасаси 3,172 миллиард сўм маблағ эвазига янгидан қурилди.

У кишининг ташаббускорлиги пандемия даврида ночор аҳволга тушиб қолган 15 дан зиёд оилаларнинг жонига оро кирди. Ўзи ишлаб турган жамиятнинг ортиқча маблағлари ҳисобидан эҳтиёжманд оилаларга кийим-кечак ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди. Бундан ташқари, 2020 йилда: “Сардобага Каттақўрғон туманидан инсонпарварлик ёрдами” акцияси доирасида ҳам ўзининг саъй-ҳаракатлари билан элу- юртга ўрнак бўлди.

Ҳозирда Мақсуда опа ўзи яшаб турган Мундиён маҳалласида 2021 йил қурилиши бошланган “Кичик-мундиён” жомеъ масжидининг қурилиш ишларининг боришида ўз маслаҳатлари билан иштирок этиб, моддий қўллаб-қувватлаш ишларида жонбозлик кўрсатмоқда. Бундан ташқари, у киши маҳалла фуқаролар йиғинининг фаоли сифатида маҳаллада ўтказиладиган йиғилиш ва давра суҳбатларида юртимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларининг аҳамиятини тарғиб қилиб, атрофдагиларни бу жараёнда фаол иштирок этишга ундаб келмоқда.

Президентимизнинг “8 Март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан мукофотлаш тўғрисида”ги фармонига мувофиқ, Мақсуда Холованинг кўп йиллик самарали меҳнати қадрланиб, “Шуҳрат” медалига лойиқ топилди.

Ўз ўрнида, Мақсуда опани давлатимизнинг юксак мукофоти, шунингдек у каби юртимиздаги қурилиш жараёнларида фаол иштирок этаётган опа-сингилларимизни қутлуғ байрам билан самимий муборакбод этамиз.

# БАҲОРГА ЎХШАЙДИ, АСЛИДА АЁЛ



Гулбаҳор Исаева

1-бет

2011 йили Навоий давлат педагогика институтини тамомлаган Озода Жўраева 2011 йилдан буён ушбу ширкат раиси сифатида фаолият юритиб келмоқда. Мутахассислиги бўйича эколог бўлган Озода Жўраева бу соҳани бежиз танламаган. Унинг бошқарувидаги кўп қаватли уйлар вилоят миқёсида ўзининг кўркамлиги, шинамли ва орасталиги билан ажралиб туради. Аввалига “Хумо-Зилола” уй-жой мулкдорлар ширкати бўлган ташкилот 2021 йил июль ойидан буён “Хумо-Зилола Барҳаёт” профессионал бошқарув компаниясига айланди.

Меҳнатдан қочмайдиган, доимо ташаббусларни илгари сурадиган Озода Жўраева 2021 йил Уй-жой коммунал хўжалиги соҳаси ходимлари кунида “Коммунал аълочиси” медали соҳиби бўлган. Иш фаолиятини 2 та кўп қаватли уй бошқаруви билан бошлаган компания ҳозирги кунда 116 та кўп қаватли уйга хизмат кўрсатиб келмоқда. У 2017 йил Мустақиллигимизнинг 26 йиллиги арафасида “Шуҳрат” медали билан тақдирланди.

– Аввало, шундай юксак мукофотга лойиқ топгани учун Юртбошимизга миннатдорчилик билдираман, – деди Озода Жўраева. – Қолаверса, бу эътироф бутун жамоанинг меҳнати эвазига келган ютуқ деб ҳисоблайман. Келгусида фаолиятимизни янада кенгайтириб, компаниямизни вилоятда кўзга кўринган ташкилотлардан бири бўлиши учун ҳаракат қиламиз.

Шунингдек, ушбу Фармон билан, Сурхондарё вилояти Термиз шаҳридаги “Комфорт Шерхон сервис” профессионал бошқарув компанияси раҳбари Гулбаҳор Исаева ҳам “Шуҳрат” медали билан тақдирланди.

Гулбаҳор Исаева Термиз шаҳридаги “Фарангиз Шаҳноз Термиз” ХУЖМШ раиси лавозимида фаолият юритган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 июндаги “Кўп квартирали уй-жойларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ 5152-сонли қарорининг ижросини таъминлаш ҳамда Термиз шаҳар ҳокимининг 2022 йил 24 февралдаги 67-8-121-Q/22-сонли қарорига асосан, “Комфорт Шерхон сервис” профессионал бошқарув компанияси ташкил қилинган.

Ҳозирги кунда ушбу ташкилотда Гулбаҳор Исаева раҳбарлигидаги 8 нафар ишчи-ходимлар жамоаси Термиз шаҳридаги Шодлик маҳалласида жойлашган 33 та кўп қаватли уй-жойларга сифатли ва замонавий хизматларни кўрсатиб келмоқда

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги жамоаси мукофотланган мутахассисларни ушбу юксак эътироф билан самимий қутлаб, келгуси фаолиятларида муваффақият тилайди!

# НОЗИК ХИЛҚАТ ЭГАЛАРИ

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,**
“ O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Юртимизда аёлларни фариштага, баҳорни эса эпли-сепли гўзал келинчакка қиёслашлари бежиз эмас. Боиси аёл бор хонадон ҳамиша чароғон ва нурга тўлади. Келинчак келган уйда эса янги ҳаёт, рўзғорнинг келажаги бошланади. Яна бир гап – хонадонимиз саранжом-саришта, ҳамма ёққа орасталик ҳукмрон бир пайтда кўчадан отамиз кириб келади. У кишининг атрофида фарзандлари гирдикапалак бўлишса-да, аёли кўринмаса, биринчи галда “Онанг қани?” деган саволни бериши ҳам бекорга эмас. Чунки оилада онанинг ўрнини ҳеч ким ва ҳеч нарса босолмаслигини падарибузрукворнинг бир оғиз сўрови яққол англатади.**

Баҳор ва аёлнинг бир-бирларига ўхшаш бетакрор сифатлари ҳам жуда кўп. Худди Фотима-Зуҳралар сингари ҳар иккаласида гўзаллик, нафосат, майинлик ҳамда дунёда неки яхши хислатлар бўлса, барчаси мужассамдир. Бундай ошуфталик айниқса, мамлакатимизда алоҳида қадрланади. Давлатимизда олиб борилаётган одил сиёсат туфайли аёлларимиз бугунги кунда нафақат хонадонларимиз фариштаси, балки баҳор худди борлиқни буркагани сингари улар ҳам жамиятимизнинг барча бўғинларида фаол қатнашиб, бунёдкорлик, яратувчанлик ҳамда баркамол авлодимиз маънавиятини кенг шакллантириш ишларида, айтиш мумкинки, нафақат эркакларга елкадош, ҳатто барчамиздан кўпроқ ҳисса қўшишаётганлигини эътироф қилиш керак.

Фасллар келинчаги – баҳор барчамизга яратиш ва яшнатиш, мудроқликдан ўйғониб, жўшқин ҳаёт билан ҳамнафас бўлишга ундаса ҳам, бироқ бу фасл жуда ҳам қисқа – атиги уч ойгина. Аёл эса бир умр ҳаёт баҳори бўлиб қолаверади. Аёлларимиз олиб келган баҳор ҳар қандай юраклардан бир умр жой оладиган, хонадонларга файз-барака киритиб, элга, юртга ва келажакка тамал тоши қўядиган боқий фаслдир. Ана шунинг учун ҳам бу баҳорни авайлаб-асраймиз ва ҳамиша қадрлаймиз.

Баҳорни жаҳон халқларининг севимли фасли десак, Ўзбекистон хотин-қизларини истиқлолнинг ўчмас баҳорига қиёслаш мумкин. Чунки фақат ана шу давр шарофати билан бизнинг баҳорларимиз пешонасига битилган жуда кўплаб ғайриоддий тамғалар олиб ташланиб, уларга чин маънода эътибор қаратилди, тенглик, ҳақ-ҳуқуқи мустаҳкамланди, жамиятда ўз ўрни яратиб берилди. Мустақиллик туфайли ҳукуматимиз хотин-қизларимизга алоҳида ғамхўрлик кўрсатиб, асосий Қомусимизнинг 46-моддасида уларнинг тенг ҳуқуқлиги белгилаб қўйилди. Шу сабабли аёлларимиз нафақат мамнун, балки ғамхўрликларга миннатдорчилик сифатида жамиятга қўшаётган ҳалол ва пок меҳнатлари билан оқлаб келишмоқда.

Давлатимиз раҳбари хотин-қизларимиз ҳақида фикр билдириб: “Биз юртимиздаги ҳар бир аёл тимсолида, аввало буюк зот – Она сиймосини кўрамиз. Шу боис “Аввало онангизга ва яна бир бор онангизга яхшилик қилинг”, деган муборак ҳадисга амал қилиб, мўътабар оналаримиз, қадрли опа-сингилларимиз, дилбар қизларимизга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатишни инсоний бурчимиз, деб биламиз. Ҳазрат Мир Алишер Навоий бобомиз айтганларидек, Сизларнинг олдингиздаги бу қарзимиз ҳаққини, минг хазина билан ҳам адо этиб бўлмайди”, деганининг мазмун-моҳияти жуда кенг.

Зеро, кейинги йилларда хотин-қизларимизнинг жамиятимиздаги фаол иштироки яққол кўзга ташланяпти. Улар орасидан етук олимлар, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, ташаббускор ва тадбиркорлар, ишлаб чиқариш корхоналарини бошқариб, юзлаб кишиларга доимий иш ўрни яратаётганлар, баркамол авлодни замон талабларига мос равишда тарбиялаб, Янги Ўзбекистонни бунёд этишда ёш кадрларни етиштириб бераётганлар кўп. Бундай фаолиятларни яна кўплаб давом қилса бўлади. Лекин алоҳида эътироф этиш лозимки, бугунги кунда ана шу вакилаларнинг кўплари энг оғир нуқталардан бири бўлган қурилиш соҳасида ҳам эркаклар билан тенгма-тенг меҳнат қилиб, аҳолининг уй-жойга муҳтож қисмининг талабларини қондиришда беминнат хизмат қилаётганлари барчамиз учун ғурур ва ифтихордир.

Хотин-қизларимиз тўғрисида ҳар қанча сўзласак, таърифлар берсак, барибир камлик қилади. Агар ўйлаб қаралса, уларга дунёнинг жамики эзгуликларини ҳадя этсак ҳам олдиларида доимо қарздормиз. Бундан кўринадики, қаерда бўлсак-да, ҳаётимиз баҳорлари тоабад шууримизда муҳрланган туради.

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№17-18 (570-571) 2022 йил 8 март

# “АВВАЛДАН МУҲАНДИС БЎЛИШНИ ИСТАГАНМАН”

## Ирода Ташмуҳаммедова



**Ислом ИБОДУЛЛА,**
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

– Оилада ёлғиз қиз эдим, икки нафар акам бор. Улар билан бирга ўсганман, – дейди Ирода Ташмуҳаммедова. – Шу сабаб бўлиб, қурилиш соҳасини танлаганман. Ота-онам қиз болаларга хос соҳаларни танласам ҳайратланарди. Чунки ўғил болалар орасида ўсиб, ўғил болаларнинг ўйинчоғ-у овунчоқлари билан андармон бўлардим.

Албатта, қурилиш соҳаси нозик жараён. Унда оддий жисмоний иш тартиботларидан тортиб, хат-ҳисобгача бўлган жараён мавжуд. Бугун Ирода Ташмуҳаммедова ҳам ушбу соҳанинг умидли вакиласи сифатида “Ташгипрогор” АЖнинг Смета бўлими бошлиғи лавозимида фаолият юритиб келмоқда. У дастлаб Тошкент архитектура-қурилиш институти қошидаги академик лицейида таҳсил олади. Кейинчалик мазкур олий ўқув юртига ўқишга киради.

– Кичик акам ҳам қурилиш соҳасида олий маълумот олган, – деди у. – Онам солиқ инспектори, отам эса ўқитувчи бўлганлар. Турмуш ўртоғим ҳам қурилиш соҳасидаги фирмалардан бирида лойиҳа бош меъмори вазифасида фаолият юритади.

Қаҳрамонимизнинг биринчи иш жойи 159-қурилиш тресті эди. Қурилиш соҳасидаги йўл осон бўлмаган, албатта. Лекин бундай қийинчиликлар кишига тенгсиз тажриба беради.

– “Ташгипрогор” АЖга келган пайтларим смета ишларида бироз оқсоқланардим. Бу жамоада асосан мазкур турдаги фаолият билан машғул бўласиз. Вақт ўтгани сайин амалиётим ошди. Жамиятимизда кўп йиллик тажрибага эга устозлар иш олиб боради. Улар билан ишлаш касбий ўсишимда алоҳида туртки бўлди. Саводли сметачилар устозлик қилишди. Улар ҳозирги пайтгача йул-йўриқ кўрсатиб туришади, – дейди Ирода Ташмуҳаммедова.

Ўлкамизнинг ташқи кўринишини ўзгартираётган бино-иншоотларнинг қурилишига ўз ҳиссасини қўшаётган аёлларимиз бисёр. Улар мазкур қурилиш жараёнларининг ортида ўзларининг иқтидорларини кўрсатишмоқда. Ирода Ташмуҳаммедова ҳам шундай ишбилармон, ижодкор аёллардан бири.

# “ЙЎЛ-ЛОЙИҲА БЮРОСИ”нинг энг яхши мутахассиси



**Райҳона ХЎЖАЕВА,**
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

– Ассалому алайкум, газетамизнинг 8 март кунги сонига мақола тайёрламоқчи эдик. Бизга бирор яхши мутахассисни тавсия қила оласизми?

– Бизда яхши мутахассислар жуда кўп, сизга нечта керак?

– Майли, шулардан энг яхшисини танлаб бера қолинг...

Ўз-ўзидан хулоса чиқаришимиз мумкинки, ушбу мақоламиз қаҳрамони – Ҳилола Ғуломова ҳамкасблари ишончини қозониб, ўз соҳасининг етук мутахассисларидан бирига айланган. 2000 йилда Тошкент автомобиль йўллари институтининг муҳандис-иқтисодчи йўналишини тамомлаган Ҳилола Ғуломова ўз фаолиятини “Ўзавтотранстехника” корхонасида 2-тоифали муҳандис иқтисодчи сифатида бошлаган. Сўнгра, Тошкент автомобиль йўллар институти аспиранти, кафедра ассистенти ва катта ўқитувчиси сифатида ҳам бир қанча вақт ишлаган.

2010 йилдан буён эса у ўз фаолиятини “Йўл-Лойиҳа бюроси” масъулияти чекланган жамиятида давом эттириб келяпти. Жамиятда етакчи мутахассис, гуруҳ раҳбари, лойиҳа бош муҳандиси, гуруҳ бошлиғи каби вазифаларни муносиб уддалаган Ҳилола опа бугунги кунда бош мутахассис сифатида йирик лойиҳаларни ишлаб чиқишда ҳам фаол қатнашмоқда.

22 йилдирки Ўзбекистон йўл қурилиши соҳасида тинимсиз меҳнат қилиб келаётган Ҳилола Ғуломова ўз устида ишлашдан бир зум бўлса-да тўхтамаган. Зеро, тезлашиб бораётган замонда йўл қурилиши соҳаси ҳар бир мутахассисдан мудом янгиланишлардан бохабар бўлиб, замонавий технологиялар асосида ишлашни талаб қилади. Қаҳрамонимиз ҳам ана шу қоидага амал қилиб, кам бўлмади. Хусусан, Россия Федерацияси Томск давлат архитектура-қурилиш университети ҳузуридаги Узвий таълим институти томонидан ташкиллаштирилган “Муҳандислик қидирув ишлари ва САПР IndorCAD/Road дастури ёрдамида автомобиль йўлларини автоматлаштирилган тарзда лойиҳалаш” курси, “Ўзоғирсаноатлойиҳа” институти томонидан ташкиллаштирилган “Инвестиция лойиҳалари учун лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш” дастури, Маслаҳатчи Муҳандислар Халқаро Федерациясининг тайёрлов дастурларида қатнашиб, бир қанча гувоҳнома ва сертификатларга эга бўлган.

– Ҳилола Ғуломованинг катта тажрибаси мамлакатимизда қатор салмоқли лойиҳаларнинг амалга оширилишида асқатиб келмоқда, – деди “Йўл-Лойиҳа бюроси” МЧЖ директори Азиз Жўраев. – Ўзбек миллий автомагистрали реконструкцияси бўйича “Йул-Лойиҳа бюроси” томонидан амалга оширилган бир нечта лойиҳаларни ишлаб чиқишда фаол иштирок этган. Хусусан, А-380 “Ғузор - Бухоро - Нукус – Бейнеу”, М-37 “Самарқанд - Бухоро – Туркманбоши” автомобиль йўлларининг реконструкцияси ишчи ҳужжатларини яратишда унинг ҳиссаси катта. Ҳозирги кунда Осиё Тараққиёт банки ҳамда Осиё Инфратузилма Инвестиция банки томонидан молиялаштирилиши режалаштирилган “4Р105 “Дарбанд к.-Бойсун ш.-Элбаён к.” 5-70-км қисмида ва 4Р100 “Мангузар к.-Жарқўрғон ш.-Бандихон к.-Олтинсой к.-Денов ш.” 126-174-км қисми реконструкцияси ТИАси ва “Қорақалпоғистон Республикаси умумфойдаланувдаги автомобиль йўлларини тўла таъмирлаш лойиҳаси ТИАси устида иш олиб бормоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ҳилола Ғуломова ўзининг ҳам назарий, ҳам амалий билимлари билан Ўзбекистонимиз йўл қурилиш соҳасидаги қатор масалаларнинг ҳал этилишида ҳиссасини қўшиб келаётган малакали мутахассислардан. 2021 йили Автомобиль йўллари илмий-тадқиқот институти томонидан киритилган ИҚН 147-21 “Йўл хўжалигида қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш, шунингдек, ишларнинг ҳажми ва сифатига асосан қабул қилиш бўйича лойиҳалаштириш-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича йўриқнома”сининг рус ва ўзбек тилларида яратилишига катта ёрдам берган. Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 ноябрдаги ПҚ-4035-сон “Идоравий қурилиш соҳасида ишларни ташкил этишнинг илғор хорижий усулларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, у жорий йилда нашр этилиши режалаштирилмоқда.

Тўғрисини айтганда, Ҳилола опа билан суҳбатлашиб, унинг иштирокидаги йирик лойиҳалар ва уларнинг юртимиз автомобиль йўллари тараққиётидаги аҳамиятини кўриб, ҳайратландик. Бу ишларни ҳатто баъзи эркаклар ҳам бажаролмаслиги бор гап. Опадан бу ижобий натижаларнинг сири ҳақида сўраганимизда шундай жавоб берди:

– Менинг бу соҳага қизиқишим ва унга кириб келишимга асосий сабабчи марҳум отам – Тошкент автомобиль йўллар институти профессори, йўл қурилиш соҳасида юзлаб шогирдларни тайёрлаган устоз Зоир Саидов бўлади. У кишини ўзимнинг биринчи устозим, деб биламан. Қолаверса, “Йўл-лойиҳа бюро”сига келганимда, кучли мутахассислар менга йўл кўрсатиб, соҳа сирларини ўргатишди. Албатта, бу муҳим вазифаларни уддалашимда менга кенг шароит яратиб берган ва ҳар қандай вазиятда қўллаб-қувватлаган ҳаёт йўлдошимнинг ҳам хизматлари катталигини таъкидламоқчиман.

Аёл қачон чинакам бахтни ҳис қилади?

Оиласи тинч, фарзандлари соғ бўлса, севимли иши ва қадрли ҳамкасблари ёнидагина аёл ўзини барчага бирдек керакли инсон дея, ҳисоблайди ва чинакам бахтни ҳис қилади.

Ҳилола Ғуломовани ҳам ана шундай юксак бахтга эришган аёллардан бири, дея бемалол таърифласак бўлади. У бугун уч нафар фарзанднинг онаси ва икки нафар набиранинг суюкли бувижониси. Ота-она изидан борган фарзандлар ҳам зиё йўлини танлаган. Катта қизи Тошкентдаги Халқаро Вестминистр университетини тамомлаган. Ўғли Сингапур менежментни ривожлантириш институтининг 4-босқич талабаси. Энг кичиги ҳали 7 ёшда. Уларга ота-оналарининг ёрқин ҳаёти ибрат мактаби бўлиб хизмат қилишига ишонамиз.

Юртимиз бунёдкорлиги йўлида хизмат қилаётган Ҳилола опа сингари барча аёлларга байрам муборак бўлсин!

# Қурувчилар маликаси



**Зиё СИРОЖ,**
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Андижон вилоятида юзлаб қурилиш ташкилотлари мавжуд, бироқ аёллар етакчилик қилаётган корхоналар сони атиги бешта. Андижон шаҳридаги “Қурувчи-97” МЧЖ раҳбари Дилнозахон Тўланова эса, гарчи ёш бўлса-да, кўпчиликка бош қурувчи хотин-қизлар тоифасидан. Унинг меҳнатда эришган ютуқлари, ҳаракатининг ижобий самараси туфайли “Қурувчилар маликаси” деб ҳам аташади.**

– Корхонамиз 1997 йилда ташкил топган, – дея ҳикоя қилади қаҳрамонимиз. – Дастлаб биноларни таъмирлашдан бошлаганмиз ишни. Аста-секин тажрибамиз орта бошлади. Бунёдкорлик соҳасида нечта босқич бўлса, ҳаммасини босиб ўтдик. 2017 йилдан бошлаб иншоотлар қуришга киришдик. Шу кунгача 20 та турли биноларни қуриб, фойдаланишга топширганмиз. Айни пайтда Асака туманида касб-ҳунарга ўргатиш маркази учун бино қуряпмиз. Шу билан бирга, “Янги Андижон” массивида 7 қаватдан иборат 40 хонали турар жой барпо этишга киришганмиз.

Ўзбек халқида уй-жой қуришда азалдан ўзига хос эътибор, тажриба ва архитектура мактаби мавжуд. Йиллар ўтгани сари тажрибалар takомиллашяпти, унга жаҳон андозаси уйғунлашяпти. Бироқ, ҳар қандай такомиллашув негизида барибир миллий хусусият мужассам бўлмоғи керак. Бу бизнинг эмас, балки Дилнозахоннинг фикри! Шу боис ҳам қаҳрамонимиз барпо этаётган бинолар лойиҳасини миллий меъморчилигимизга мос равишда тайёрлашга эътибор қаратади.

– Мисол учун, “Янги Андижон” массивида барпо этаётган уйимизнинг айвони кенг бўлиб, ўзида ҳаво захирасини сақлаш хусусиятига эга, – дея тушунтиради у. – Хоналар ёруғ ва катта. Ҳар бир хонага алоҳида эшик орқали кирилади. Бу ўзбек миллатига хос бўлган талаблар сирасидандир. Ҳозир харидорда танлаш имконияти бор. Чунки, қурилишлар кўп. Шундай экан, мижозларнинг хоҳишидаги уйни қуриб бериш бизнинг бурчимиз.

Дилнозахон меҳнатда, гарчи, айрим эркакларнида, ортда қолдиришга қодир бўлса-да, бироқ, оилада севимли ёр, меҳрибон она, жонсарак уй бекаси ҳамдир. Тўрт нафар фарзанднинг тарбияси, уй ишлари, кир ювиш, овқат қилиш... буларнинг барчаси унинг кундалик юмушларидир. Бир сўз билан айтганда, қурилиш майдонининг маликаси уйда оддий бекага айланади!

– Аслида тинчлик-хотиржамликда ўтаётган ҳар бир кунимиз байрам, – деб суҳбатда давом этади Дилнозахон. – Бироқ, улар орасида 8 март – Халқаро хотин-қизлар кунининг мен учун аҳамияти жуда катта! Бу байрам биз учун эрк, тенглик, бирлик ва ҳамжиҳатлик байрамидир! Хотин-қизларнинг ҳаётдаги, жамиятдаги ўрни, мавқеини белгилашда бу сананинг ҳиссаси катта!

Одатда, опа-сингилларимиз байрамни ўз уйларида қарши оладилар. Бироқ, 150 нафар меҳнат жамоасининг ҳар бир нафасига ўзини масъул билган Дилнозахон учун жамоа билан елкама-елка туришдан ортиқ бахт йўқ!

# СИЗ БАРИБИР ИБРАТСИЗ

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,**
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Тонг саҳарда уйдан чиқиб, қадрдон корхонаси – “Оҳангаронцемент” акциядорлик жамияти сари илдам бораётган Жанна Огай хаёлга чўмди.**



“Оҳангаронцемент” акциядорлик жамиятида 28 йил аввал фаолиятини бошлаган илк куни ҳеч эсидан чиқмайди. Ўшанда ёшгина қизчанинг корхонага келганини ҳар ким ҳар хил тасаввур қилганди. Бироқ у оилада ҳар қандай меҳнатда тобланганини ҳеч ким билмасди. Ишга жиддий киришганини кўрган ўша даврдаги раҳбарлар устоз-шогирдлик анъаналарига амал қилиб, тажрибали ходимга бириктиришди. Мана бугун эса йиллар ортда қолиб, ўзи ҳам кўпгина ёшларга устозлик қилмоқда.

Ўйлаб қарасак, ўша оғир дамлар ортда қолиб, Мустақилликка эришганимизга ҳам ўттиз йилдан ошяпти. Ўтган давр мобайнида у фаолият юритаётган корхонага замонавий технологиялар олиб келиниб, ишчилар учун қулай шароитлар яратилди. Ана шундай ўзгаришлар “Оҳангаронцемент” акциядорлик жамиятининг автомобиль-транспорт цехида диспетчер бўлиб меҳнат қилаётган Жанна Огайни ҳам бошқалар сингари доимо дадилликка чорлаб, ишлаб чиқаришда муносабатларни замон талабларига мослаштиришга ундамоқда.

Цехда иш аввали ходимларнинг кайфиятини кўтаришдан бошланади. Бунинг учун Жанна Огай ҳар хил афоризмларни айтиб, кундалик матбуотларда берилаётган хабарлардан сўзлаб беради. Бирор ходимнинг муаммоси бўлса, унга ёрдам бериш ва ечим топишга ҳаракат қилади. Одамлар ҳам бунга ўрганиб қолишган, бирор муддат Жанна кўринмай қолса, дарҳол суриштиришга тушишади. Жамоада соғлом муҳит ҳукм сургани сабабли таъмирлаш бўлимида ишлар доимо кўнгилдагидек, корхонада цех доимо олдинги сафлардан бирини эгаллаб келмоқда.

30 йилдан буён оғир техникалардан бирини бошқариб келаётган ҳайдовчи Шуҳратжон Исмоиловнинг эътироф этишича, Жанна Огай ўтган йилларда 70 нафардан ортиқ шогирдларни касбга ўргатиб, корхонада ишлаб чиқаришни кенгайтиришда муносиб ҳисса қўшганлардан бири.

– Улар орасида ташаббускор ва тадбиркорлар жуда кўп, айни пайтда қаерда фаолият кўрсатишларидан қатъи назар байрамларда, айниқса, 8 март – Халқаро хотин-қизлар кунида цехимиз у кишининг шогирдлари билан тўлиб кетади. Барчаси мана шундай устозлари борлиги билан фахрланишади. Инсон меҳнатига берилган ана шундай баҳони кўриб, бундан бўлак яна қандай бахт бўлиши мумкинлигини ўзим ҳам юракдан ҳис этаман, – деди Ш. Исмоилов.

Ҳа, аёлларимиз юртимиз фахри, келажагимизга тамал тошини қўядиган фаришталардир. Эркин ва озод юртда яшаб, бор кучини шу жамиятимизнинг ривожи учун сарфлаётган оқилаларнинг бири – Жанна Огай мана шундай кунларга етказганига шукроналар айтиб, ҳар тонгни қарши олади. Бугун ҳам йилда бир марта нишонланадиган байрам арафасида қадрдон корхонаси томон шошилмоқда. Чунки уни жонажон жамоаси кутиб турибди.

# Лойиҳачи Хосиятхон

**Нурбек АБДУЛЛАЕВ,**
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Намангандаги “Архдизайнлойиҳа” МЧЖда ҳам вилоятда қурилаётган кўплаб объектларнинг чизмалари тайёрланади. Айни пайтда ҳам бир қатор лойиҳалар устида ишлар олиб борилмоқда.**

– Жамиятимиз ташкил топганига ўттиз йилдан ошди, – деди жамият директорининг ўринбосари Адҳамжон Қодиров. – Ўтган даврда жамоамизнинг ҳар бир аъзоси ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Улар орасида Саодатхон Азизова ҳам бор.

Саодатхон мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ меъморчиликка қизиқарди. Пировард натижада мана шу қизиқиш ҳаёт мақсадига айланди. Етуклик шаҳодатномасини олгач, Тошкент политехника институтига ўқишга кирди ва қурувчи-муҳандис мутахассислигига эга бўлди. Кейин “Наманганинвестлойиҳа”да иш бошлаб, 2004 йилдан эса “Архдизайнлойиҳа”да фаолиятини давом эттирди. Ҳозирда лойиҳа бош муҳандиси вазифасида меҳнат қилади.

– Бу опани ишга келган дастлабки кунларидан бери биламан, – деди тажрибали меъмор Аҳадхон Раҳматов. – Вақт ўтган сари унинг касб маҳорати янада сайқал топди. Эндиликда у вилоятдаги энг яхши лойиҳачилар сафидан жой олиб, қатор шогирдларни ҳам тарбиялади.

Бир қарашда лойиҳа бош муҳандисининг иши енгилга ўхшайди. Аслида бош муҳандис ҳар бир лойиҳачининг ишини ипидан-игнасигача билиши керак. Унинг чизмаларини теран таҳлил қилиб, замон талабларга жавоб бериши ёки бермаслигини аниқлай олиши лозим. Албатта, бунинг учун етарли билим ва савия талаб этилади.

– Лойиҳа яратиш худди ёзувчи ёки рассомдай ижодий қобилиятни талаб қилади, – деди Хосиятхон. – Бу касбни танлаганимдан сира афсусланмайман. Жамоамиз аҳил ва уюшқоқ, ҳамиша ижодий кайфият ҳукмрон. Аҳмаджон Қодиров, Жўрахон Тошпўлатов каби устозлар, Рашидбек Қосимов, Даврон Қасбаров сингари ёшлар меҳнатда барчага намуна.

Сўнгги пайтда Хосиятхон етакчилигидаги ижодий гуруҳ бир қатор йирик объектларнинг лойиҳасини тайёрлаб берди. Улар орасида Чуст ва Янгиқўрғондаги сузиш ҳавзалари, Тошбулоқдаги амфитеатр, Давлатободнинг “Юксалиш” даҳасидаги етти ва ўн икки қаватли уйлар бор. Мазкур биноларнинг ҳар бирида анъанавий ёндашув билан бирга замонавий меъморий ечимлар мавжудлиги мутахассислар эътиборини тортмай қўймайди.

# Шимол шиддатида тобланган Розия опа

**Марат УЛПЕТОВ,**
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Разия Қойлыбаева яқинда қутлуғ 60 ёшини қаршилайди. У киши Қорақалпоғистон Республикасида кўплаб уй-жойлар, мактаблар ва бошқа қурилиш объектларида қурувчиларнинг бошини бир ерга жамлаб, эл-юрт равнақи йўлида эркаклар билан бир сафда хизмат қилиб келмоқда.**

Меҳнатда тобланган опа 1983 йили Нукус қурилиш техникумини тугатиб, 1984 йилда “Қарақалпақ оңлаў қурылыс” МЧЖ корхонасига қарашли 1-сонли Нукус қурилиш бошқармасида иш фаолиятини бошлаган бўлса, бугунги кунга келиб бошқарма бошлиғи лавозимида ишламоқда.

Атрофига кўпгина ёшларни тўплаб, аҳолини уй-жой билан таъминлаш йўлида “Қишлоқ қурилиш инвест” МЧЖ буюртмачилигида Чимбой, Кегейли ва Нукус туманларида намунавий уйлар қурилишида фаол қатнашяпти.

Опа билан суҳбатлашиб, хотин-қизларнинг қурилиш соҳасида иш олиб боришига қандай муносабат билдирасиз, деган саволимизга ҳеч иккиланмасдан аёл ёки эркак киши бўлсин, ўзи қизиққан касбини севса, шунинг ўзи етарли, дея қисқагина жавоб берди. Фурсатдан фойдаланиб, баҳорнинг илк байрамларидан бири бўлган 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни билан барча онахон ва опа-сингилларимизни чин қалбдан табриклаб, уларга сиҳат-саломатлик, ишларига ривож тилади.

Шимолнинг изғирин шамоллари ва жазирама иссиқларига бардош бериб меҳнат қилаётган Розия опа сингарилар замонамиз қаҳрамонлари ва миллатимизнинг фахридир.

# Касби туфайли жамиятда ўз ўрнини топган аёл

Райҳона ХЎЖАЕВА,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.



**Бугун жамиятнинг ҳеч бир йўналишини ижтимоий фаол аёллар иштирокисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Уларни оддий ишчидан тортиб, бутун бир ташкилот раҳбари ёки давлат аҳамиятидаги лавозимларда учратиш мумкин. Бундан аёллар одатда, табиатан лидерлик хусусиятига эга, ташаббускор ва албатта, ўз ишининг устаси бўлади. Мақоламиз қаҳрамони Феруза Касимова – Тошкент архитектура-қурилиш институти бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси раҳбари ҳамда Хотин-қизлар кенгаши раиси сифатида биз юқорида келтирган барча таърифларга мос келади.**

Феруза опа 2007 йилда Тошкент давлат шарқшунослик институтини сиртқи бўлими диншунослик йўналишини тамомлаган. 33 йиллик иш фаолияти давомида у турли йўналиш ва соҳаларда ишлаб, ўз тажрибасини оширди. У кишининг бугунги фаолияти бевосита инсонлар тақдири, уларнинг яхши-ёмон кунлари, орзу-умидлари билан боғлиқ бўлгани учун ҳам катта масъулият талаб қилади. Ўзининг таъбири билан айтганда, "Ҳар бир инсоннинг кўнглига йўл топиш катта маҳорат".

Бу вазифани институтда 2016 йилдан буён бекаму-кўст уддалаб келишида Феруза опага босиб ўтилган йўллар, машаққатли аммо шарафли йиллар ёрдам берган. Ўз фаолияти давомида "Чевар", "Сайёра" ва "Nika-Liga" корхоналарида тикувчи, ўқитувчи, Тошкент давлат шарқшунослик институти бирлашган касаба қўмитасида иш юритувчи, илмий тадқиқот гуруҳи кичик илмий ходими, таъмирлаш бўлими иш юритувчиси, Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими муҳандиси каби бир-биридан фарқ қилувчи аммо қизиқарли соҳаларда фаолият олиб борган. 2006 йилдан Тошкент архитектура-қурилиш институти бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси бош ҳисобчиси лавозимида ишлаган Феруза опа 2018 йилда қўмита раиси этиб тайинланган.

Ўз фаолияти давомида институтнинг профессор-ўқитувчи, ишчи-ходимлари ва талабаларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратиб келаётган Феруза опани бу масканда барча бирдек ҳурмат билан тилга олади. Зеро, меҳр-оқибат йўқолиб бораётган бугунги техника асрида жамоадошларининг моддий аҳволи ва соғлиғига бефарқ бўлмаслик касб этикасидан ташқари инсонийлик фазилати ҳам ҳисобланади. Феруза Касимова касаба уюшмаси қўмитаси раиси сифатида ходимларнинг санатория ва саломатлик масканларига бориши учун шарот-шароит яратиб келмоқда. Зеро, кам таъминлаган оилаларнинг фарзандларига ёзги дам олиш оромгоҳларига имтиёзли йўлланмалар ажратиш, умумхалқ байрамларида маънавий тадбирларга чипталар ва совғалар ташкил қилиш, ҳамкасбларига қўлидан келган барча ёрдамни беришга шай Феруза опадай инсонларни қанча ардоқласак, арзийди.

– Сермаҳсул меҳнати натижасида Феруза опанинг талаба-қизлари турли кўрик-танловларда муваффақиятли иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда, – деди Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича институт проректори Зафар Абдувалиев. – Хусусан, институт талабаси М. Неъматова "Ёшлик маликаси – 2020" кўрик-танловида фахрли 1-ўринни, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ўтказилган "Энг яхши видеоролик" Республика танловида Ф. Рашидова фахрли 1-ўринни, "Юртим жамоли" Республика расмлар танловида Д. Маликова 1-ўринни эгаллади. "Назм ва наво" Республика танловида Ў. Авазбекова Рағбатлантирувчи номинация ғолиби бўлган. У кишининг ташаббуси билан ZOOM платформаси орқали "Халқаро қизлар куни" муносабати билан "Мақсад сари ҳаракат ва муваффақиятга эришиш йўллари" мавзусида талаба-қизлар форуми Республика конференцияси, муҳаббат ва садоқат куйчиси ўзбек шоираси Зулфия таваллудига бағишлаб адабий-бадиий кеча ўтказилгани шулар жумласидандир.



У Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Гиёҳванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг Марказий Осиёдаги Минтақавий ваколатхонаси билан ҳамкорликда "Хотин-қизларнинг ҳуқуқий манфаатлари давлат ҳимоясида" мавзусида ўтказилган семинар-тренинг машғулотларида фаол иштирок этиб, сертификатга эга бўлган. Кўп йиллик самарали ва ҳалол меҳнати, ёш авлодни комил инсон қилиб тарбиялашдек улкан ва шарафли ишга қўшаётган ҳиссаси учун Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда Шайхонтоҳур туман Хотин-қизлар қўмитаси раиси томонидан "Фахрий ёрлиқ"лар билан тақдирланган. Шунингдек, аёлларнинг бахту саодати, опа-сингилларимизнинг тўкис ҳаёти, уларнинг илм-фан, адабиёт ва санъат соҳаларидаги интилиши борасидаги ислоҳотларни амалга оширишда жонбозлик кўрсатиб, Хотин-қизлар қўмитаси тизимининг такомиллашувига ҳисса қўшганлиги учун унга ҳукуматимизнинг бир қанча ташкилотлари раҳбарлари томонидан "Ташаккурнома"лар берилган. Институт Хотин-қизлар кенгаши томонидан "Мақсад сари ҳаракат ва муваффақиятга эришиш йўллари" мавзусидаги талаба-қизлар форуми ҳам унинг ташаббуси билан ўтказилмоқда.

Жамоат ишларида ташаббускор, доимо янгиликка интилувчан, жамият ва давлат ҳаётида фаол аёл – Феруза опа ҳозирги кунда Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Шайхонтоҳур туманидаги "Аёллар қаноти" кенгаши раиси лавозимида ҳам фаолият юритиб келмоқда.

Эрталаб ишга, кечки пайт уйига шошган аёл энг бахтли аёл, дея таърифлашганда айнан Феруза опа сингари инсонлар назарда тутилган бўлса не ажаб. Феруза опа бугунги кунда 3 нафар фарзанднинг онаси, 4 нафар набиранинг севимли бувижониси. У киши касби туфайли кишилар кўнглига йўл топишнинг ҳадисини олган аёл. Шу боис, нафақат ишхонасида, балки қўни-қўшни орасида ва маҳалла-куйда ҳам у кишининг исми алоҳида ҳурмат билан тилга олинади.

# ҲАММАГА НАСИБ ЭТАВЕРМАЙДИГАН БАХТ

Наргиза МИРЁҚУБОВА,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Аёл гулдек нозик, чашмадек пок, биллурдек тоза хилқат. Унинг кўнгли эса бундан-да нозик. Биргина сўз туфайли уни кўкларга кўтариш мумкин бўлса, биттагина гап билан қалбига озор етиши мумкин. Аммо ана шундай назокат соҳибалари бўлмиш аёлларнинг жамиятнинг барча соҳасида эркаклар билан теппа-тенг фаолият юритиши катта жасорат эмасми?**



Қаҳрамонимиз – Нигора Юлдашева ҳам ёшлигидан қурувчи амакиларининг касбига қизиқиб улғайган. Боларча ҳавас билан пайдо бўлган бу қизиқиш улғайган сари қатъий мақсадга айланади. Ва бу мақсад уни Тошкент политехника институтига етаклади.

1984–1989 йилларда институтнинг Муҳандислик-қурилиши факультетини тамомлаган Нигора Юлдашева 30 йилдан ошиқ вақт мобайнида биноларни лойиҳалаш ишларида қатнашиб келмоқда. 1989 йилдан "ToshuyjoyLITI"да бошланган фаолияти давомида Нигора опа юртимиздаги бир-биридан гўзал ва кўркам биноларнинг яратилишида иссиқлик газ таъминоти ва вентиляция тизимлари йўналиши бўйича ҳиссасини қўшиб келаётган маҳоратли лойиҳачилардан бири сифатида танилиб улгурди.

– Мени бу соҳага қизиқишимга амакиларим сабабчи бўлган, – деди биз билан суҳбатда Нигора Юлдашева. – Амакиларим Аброр, Анвар ва Аҳрор Акромовлар Тошкент политехника институтини битириб, қурилиш соҳасида фаолият юритишган. Ота-онам қизларга мос бирор касбни танлаш ҳақида маслаҳат беришганда ҳам, ўзим қизиққан қурилиш соҳасини танлаганимдан ҳеч қачон афсусланган эмасман. Лойиҳаларимиз асосида бунёд этилган ҳар бир объект бизга фарзандимиздек қадрли, улардан кишилар миннатдор бўлиб фойдаланса, иш жараёнидаги бутун чарчоғимиз чиқиб кетгандай бўлади. Қолаверса, ўғлим Маҳмуджон Юлдашев ҳам Тошкент архитектура-қурилиш институтини битириб, ҳозирда мен билан бирга ишлаётганидан мамнунман. Бир пайтлар менга сабоқ берган ўқитувчилар ўғлимга ҳам устозлик қилишди. Бу мен учун катта бахт.

Бир инсоннинг бутун фаолияти давомида битта жойда ишлаши нимадан далолат? Бунинг учун у ўта иқтидорли мутахассис бўлиши ёки ўз ишини жондан ортиқ севиши керак. Нигора Юлдашевада эса бу хислатларнинг ҳар иккиси ҳам мужассам. Шу боис, Нигора опанинг шогирдлари жуда кўп. Улар ҳақида опанинг тўлқинланиб гапирганига қараганда, шогирдлари ҳам бугун ўз соҳасининг етук мутахассислари.

– Шогирдларим асосан, Тошкент архитектура-қурилиш институтини битириб келишган, – деди қаҳрамонимиз. – Забихилла Хикматуллаев, Азиз Икрамов, Маҳмуджон Юлдашев, Мария Тамилина, Виктор Ким, Азиз Зайнутдинов, Феруза Усмонова каби шогирдларим билан ҳар қанча фахрлансам, арзийди. Улар замонавий ва янги программаларни яхши ўзлаштириб, компьютерда лойиҳаларни тез ва осон яратишмоқда.

Айни пайтда Нигора Юлдашева ва унинг иқтидорли шогирдлари юртбошимиз ташаббуси билан бунёд этилаётган ёш оилалар учун турар жой бинолари, мактабгача таълим ташкилотлари ва мактаблар қурилишида фаол қатнашиб келиш билан бирга "Имом-Ал Бухорий" халқаро илмий-тадқиқот маркази, Шарқшунослик институти кутубхонаси, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Ахборот-ресурс маркази, Олмазор туманидаги ёш оилалар учун уй-жой, Ички ишлар вазирлиги Академияси ҳудудида курсантлар ва талабалар учун 600 ўринли янги 3-сонли ётоқхона, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси маъмурий биносининг "Маърифат" зали, "120 ўринли мактабгача таълим ташкилоти, Самарқанд Дарвоза массивидаги "Сузук ота" мажмуасида 7 қаватли турар жой биноси, "Ўзбекистон оғир атлетика федерацияси учун спорт базаси каби яна кўплаб йирик ва муҳим объектларнинг РП лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қуришда уларнинг ҳиссаси катта.

Бир сўз билан айтганда, "ToshuyjoyLITI"да Нигора опа каби аёллар бор экан, юртимиз бугунгидан-да гўзал ва фаровон бўлиб бораверади.

# Аёл қадри қарор топаётган юрт

Ҳилола ИСМАТОВА,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Давлатимиз раҳбари хотин-қизларимиз бахтли яшаши учун уларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлаш, интеллектуал ва маънавий юксалиши, касбий ҳамда оилавий мажбуриятларни ҳамоҳанг тарзда бажариши учун зарур имкониятлар яратаётир. Бунинг натижасида жамиятда аёл мавқеи кўтарилди, улар давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирокчига айланди, оиладаги мавқеи мустаҳкамланяпти.**



Умида Қутлиева тўрт йилдан буён Навоий вилояти қурилиш бош бошқармаси Махсус ишлар ва ходимлар билан ишлаш мутахассиси вазифасида фаолият юритади. У вазифасини бажариш жараёнида бошқарма бошлиғи ва бўлим бошлиқлари билан биргаликда ходимларни иш билан таъминлаш, ёш мутахассисларни ишга қабул қилиш ва уларнинг ўқув муассасасида олган мутахассислиги бўйича жой-жойига қўйиш, касб маҳоратини оширишни ташкил қилишда ҳамиша бош-қош. Шунингдек, меҳнат қонунчилиги, низом ва йўриқномалар, бошқарма бошлиғининг буйруқларига мувофиқ ишга қабул қилиш, бошқа ишга ўтказиш, меҳнат муносабатларини бекор қилиш, ходимларни хизмат сафарига юборишни расмийлаштиришни таъминлаб келмоқда.

2018-2022 йилларда Навоий вилоят қурилиш бош бошқармаси томонидан 40 нафар ходим иш билан таъминланди, уларнинг аксарияти Самарқанд давлат архитектура- қурилиш институти ҳамда Тошкент архитектура-қурилиш институти, Бухоро муҳандислик технология институтини битирган мутахассислардир. Шунингдек, У. Қутлиева ташаббуси билан ёш кадрлар захирасини яратиш, улар бандлигини таъминлаш бўйича ушбу таълим муассасалари ўртасида тузилган шартнома шартларининг бажарилишига алоҳида эътибор қаратади. Қолаверса, қурилиш соҳасига турли йўналишларда кадрлар етказиб бераётган Қизилтепа тумани Қурилиш коллежи ўқувчилари билан архитекторлар ҳамкорлиги йўлга қўйилган бўлиб, архитектура соҳасига қизиққан ёшлар билан давра суҳбатлари, тадбирлар ўтказишда ҳам опанинг алоҳида ҳиссаси бор.

– Вилоят қурилиш бош бошқармаси тизимида 20 нафарга яқин хотин-қизлар фаолият юритади, – деди У. Қутлиева. – Уларнинг меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоялаш борасида тизимли ишлар қилиняпти.

Охирги йилларда ҳукуматимиз томонидан хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, саломатлигини муҳофазалаш, интилиш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, меҳнат ва яшаш шароитларини яратишга қаратилган кўплаб қонун ва қонун ости ҳужжатлари қабул қилинди. Бундай эътиборга жавобан тизимдаги аёлларимиз эркаклардан ортда қолмасликка ҳаракат қилиб, жамиятимиз ривожига муносиб ҳисса қўшаётгани эътиборга моликдир.

# Шахтёр аёлнинг пайвандчи қизи

Ислом ИБОДУЛЛА,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.



Унинг онаси ҳар доим шундай дерди:

– Галия, сендан уста пайвандчи чиқади.

Энергетика техникумининг ўқувчиси бўлган ёш қизча истеҳзоли куларди.

– Қаердан биласиз? – дерди онасини қистовга олиб. – Пайвандчи бўлсам, ҳамма устимдан кулади. Ахир мен қиз боламан-ку!

Онасининг лунжи учарди. Ўшқириб берарди.

– Бу замонда иш одам танламайди, қизим. Қара, мен шахтёрман. Нима бўпти? Сен шахтёрнинг пайвандчи қизи бўласан.

Кейин она-бола хандон отиб кулишарди. Аслида қизнинг онаси ҳақ бўлиб чиқди. Башорат қилганидек, Галия уста пайвандчи бўлди.

Орадан йиллар ўтиб, замон заҳми қаддини ҳийла эгган бўлса-да, Галия опа бугун халқ ва давлат равнақи йўлида камарбаста. У 47 йилдирки, миллий энергетика тизимида фаолият юритмоқда. Ҳозирда "Энергоиссиқликмонтаж" унитар корхонасининг кадрлар бўлими мудираси ўларок, соҳада янгидан иш бошлаётган ёш ўғил-қизларга касб сирларини ўргатиб келмоқда. Корхона, асосан, иссиқ механик қурилмаларни монтаж ва таъмирлаш, юқори, ўрта, ва паст босимда ишловчи қувур линияларини монтаж қилиш, буғ ва сув иситиш қозонларини монтаж-таъмирлаш каби ишларни амалга оширади.

– Ангрен шаҳридаги энергетика техникумида таҳсил олганман, – деди Галия Камалова. – Илк ишимни шу соҳанинг энг қуйи, жисмоний куч талаб этадиган бўлимларида бошлаганман. Навоий, Тахиатош, Ангрендаги электр станция қурилишларида металл конструкция жараёнларида пайвандчи бўлиб ишладим. Кейинчалик, пайвандлаш ишларида жамоага бош бўлдим. Пайвандчиман, десам ёшлар ажабланишади. Илгарилари далага чиқсангиз тракторчи аёллар-у, қўлига асо тутган техника таъмирловчи қизларга пеш келишингиз тайин эди. Онам Ангрен шаҳридаги конларда ишлаган. У киши ҳар турли қийинчиликка чидамли бўлишимизга алоҳида эътибор берарди. Ҳар байрамда у кишини эслайман ва ич-ичимдан ўкинаман. Эсимда, Сирдарёдаги гидроэлектр станциясининг қурилишида кундузлари ишлаб, кечаси касб сирларини англаш учун ўқиб-ўрганардим. Онам айтганидек, шахтёрнинг пайвандчи қизи бўлганимдан суюнаман. Бутун умрим давомида шу соҳада меҳнат қилдим. Кадрлар билан ишлаш бўйича мутахассис, Ангрен шаҳар кенгашида депутат ва масъул лавозимларда иш олиб бордим.

Ҳурматинг бор жойда, юкинг ерда қолмас экан. Бугун "Энергоиссиқликмонтаж" унитар корхонасининг қарийб 100 кишилик бошқарув жамоаси Галия Камаловани соҳанинг матонатли вакиласи сифатида кўриб, унинг атрофида жамулжам бўлишади. Опа бундай эътибор ва ғамхўрликдан ҳамиша миннатдор. Фурсатдан фойдаланиб, Галия Камалова ва "Энергоиссиқликмонтаж" унитар корхонасида фаолият олиб бораётган барча аёлларни 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни байрами билан қутлаб, келажак ишларида ривож, касб фаолиятларига муваффақият тилаймиз!

# Бошқарма маликаси

Зайлобиддин ЙИГИТАЛИЕВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Хотин-қизларимиз азалдан гулга қиёсланади. Чунки гул нозик ва гўзаллиги билан инсонга ўзгача ҳузур бахш этади. Аёлларимизнинг эса бундан-да кўпроқ хислатлари бор. Улар бор уйда саранжом-саришталик ҳукмрон.**

Ўзида барча хислатларни зоҳир қила олган фарғоналик Сайёра Исматова улардан бири. Сайёра асли риштонлик. Марғилон режа-иқтисод техникумини битириб, узоқ йиллар банк тизимида ишлади. 2014 йилдан эса Фарғона вилояти Архитектура ва қурилиш бош бошқармасига Кадрлар бўйича бош мутахассис вазифасида фаолиятини давом эттирди.

– Қурилиш бошқа соҳалардан катта фарқ қилади, – деди Сайёра. – Биринчидан, қурилиш асосан эркакларга хос иш. Иккинчидан, барча юмушлар асосан ташқарида бўлади. Қолаверса, нафақат бизнинг вилоятда, балки мамлакатимизнинг барча ҳудудларида олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари инсон учун, унинг келажаги учундир. Бу ишларнинг бошида Президент тургани янада эътиборли. Нафақат шаҳарларда, туманлар марказларида, чекка қишлоқларда ҳам қурилиб, фойдаланишга топширилаётган бино-иншоотлар юртимиз кўркига кўрк қўшмоқда.

Кейинги йилларда "Обод қишлоқ", "Обод маҳалла" давлат дастурлари ижросини таъминлаш борасида қишлоқларимиз шаҳар билан бўйлашадиган қиёфага эга бўлмоқда. Бундай дейишимнинг боиси бугун чекка қишлоқларда ҳам қурилиш-бунёдкорликка эътибор кучайтириляпти. Қурилишлар ҳар бир қишлоқ, маҳалланинг ичига кириб боряпти. Замонавий андозаларга мос, шу билан бирга миллийлигимизни сақлаб қолган уйлар ҳамюртларимизга маъқул бўлмоқда. Ҳар бир туман ва қишлоқ ўзининг инфратузилмасига эга бўлиб боряпти.



Ҳозирги кунда вилоят қурилиш бош бошқармаси тизимида ишлаётган қурувчи мутахассислар юрт кўркига янада кўрк қўшиш мақсадида ўзларининг тажрибалари ва имкониятларини ишга солишяпти. Аҳамиятли жиҳати шундаки, уларнинг 89 фоизини ёшлар ташкил этади. Кўп кузатишлардан шу нарсага амин бўламизки, бугунги ёшларнинг қурилишга бўлган қизиқишлари юқори. Тизимимизда ишлаш истагини билдирган, қурилиш олийгоҳларини битирган ёшларнинг аксариятида архитектура-қурилиш соҳасида билими етарли, лойиҳалаш бўйича ҳам малакаси юқори, ўз устида ишлайдиганлар. Бугунги кунда вилоятимиздаги қурилиш объектларида хусусий қурилиш фирма ва компаниялар фаолият олиб бормоқда. Коллеж, лицей ва ўрта мактабларни битирган, ҳарбий хизматни ўтаб қайтган навқирон йигитлар ана шу жамоаларда ишлаб, юртимиз ободлигига ҳисса қўшишяпти.


Қалби дарё, меҳри уммон онажонлар, мунис опа-сингиллар!
Барчангизга айём муборак бўлсин.
Чеҳрангизни табассум ва гўзаллик, оилангизни тинчлик-тотувлик,
қалбингизни эса ҳаловат асло тарк этмасин.
Байрамингиз яна бир бор муборак бўлсин.
8 МАРТ
«O'ZSHAHARSOZLIK LITI»
давлат унитар корхонаси жамоаси


Юртимизнинг барча хотин-қизларини, жумладан,
қурилиш соҳасида меҳнат қилаётган
мунис аёлларимизни баҳор айёми –
8 март
байрами билан муборакбод этамиз.
АНДИЖОН ВИЛОЯТИ
қурилиш соҳасида ҳудудий
назорат инспекцияси жамоаси


Аёл яккаш ҳаётнинг қурувчиси эмас,
аёл ҳақиқий муҳандисдир.
Жонажон Ўзбекистонимизнинг кўркига ўз
ҳиссасини қўшиб келаётган қурувчи хотин-
қизларимизни
8 март билан самимий
қутлаймиз.
БУХОРО ВИЛОЯТИ
қурилиш соҳасида ҳудудий
назорат инспекцияси жамоаси

# «SHAHARSOZLIK HUJJATLARI EKSPERTIZASI» ДУК

## ва унинг филиаллари жамоалари

Аёл борки, олам мунаввар, унинг беғубор кулгуси
ҳар қандай қалбни эритишга қодир.
Сизлар туфайли ҳаётимиз доимо шодликда ўтади.
Бахтимизга ҳамиша омон бўлинг, азиз аёллар.
Байрам барчангизга муборак бўлсин!



O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№17-18 (570-571) 2022 йил 8 март













Олам узра қуёшнинг заррин нурлари янада кўпроқ сочилиб, ўлкамизга гўзал баҳорой ташриф буюрди.
Баҳор ўзи билан айёмларни бошлаб келгани туфайли ҳам барчамизга бирдек севимли.
Муҳтарама онажонлар, қадрли ҳамкасблар, мунис аёллар байрамингиз муборак бўлсин!
«TOSHUYJOYLITI» АЖ
жамоаси


8 март
ХАЛҚАРО
ХОТИН-ҚИЗЛАР БАЙРАМИ
билан самимий муборакбод этамиз.
«O'ZBEKKOMMUNALLOYIHAQURILISH» ДУК
жамоаси


Иродали қизларимизни, сабрли аёлларимизни ва матонатли оналаримизни бетакрор ва баҳорий айём —
8 март —
Халқаро хотин-қизлар байрами билан табриклаймиз!
САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ
қурилиш соҳасида худудий назорат инспекцияси жамоаси


Дунёга сизнинг кўзингиз билан қарай олсайдик –
Олам янада гўзалроқ кўринарди.
Қуёшли ўлкамизнинг нур юзли аёлларини баҳорнинг илк байрами–
8 март
билан самимий қутлаймиз!
СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ
қурилиш соҳасида худудий назорат инспекцияси жамоаси

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№17-18 (570-571) 2022 йил 8 март










# ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

## Март ойининг шу кунларида таваллуд айёмларини нишонлаётган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги етакчи мутахассиси **Шохрухбек Турсунбоев,** Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси Ахборотларни таҳлил қилиш ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўлими бошлиғи **Шерзод Низамов,**

Андижон вилояти, Марҳамат тумани қурилиш бўлими бошлиғи – бош архитектор **Сардор Хомидов,**

Қашқадарё вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси бошлиғи **Ўлмас Панжиев,**

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш вазирлиги Лойиҳа ва пудрат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси **Рустем Калжанов,**

Самарқанд вилояти, Жомбой тумани қурилиш бўлими бош мутахассиси **Фирдавс Аббосов,**

"Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси" ДУК Сурхондарё вилояти филиали фарроши **Ора Бозорова**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, мустаҳкам соғлик тилаймиз!



# "Kim oshdi savdo servis" МЧЖ

## нархлар ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

**2022 йил 8 апрель куни Урганч шаҳри, Шерозий кўчаси, 12-уйда бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдога қуйидаги таъмирталаб ҳолатдаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:**

"Боғот пахта тозалаш" АЖнинг 2022 йил 21 февралдаги 4-сонли буйруғи ва "Боғот пахта тозалаш" АЖнинг 2022 йил 3 мартдаги 01/14-сонли хатига асосан, 2013 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақам белгиси 90 958 JAA бўлган "Isuzu NQR 71PL" русумли таъмирталаб ҳолатдаги автотранспорт воситаси, **бошланғич баҳоси** – 75 492 000 (етмиш беш миллион тўрт юз тўқсон икки минг) сўм.

Ушбу автотранспорт воситаси 2022 йил 8 апрелдаги очиқ аукцион савдода сотилмай қолган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2022 йил 31 майгача расмий иш кунлари бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

**Аукцион савдода қатнашиш истагида бўлган талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим:**

– **юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

– **жисмоний шахслар** – паспортнинг нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома.

Ушбу савдода қатнашиш истагида бўлган харидорлар закалат шартномасини тузиб, "Kim oshdi savdo servis" МЧЖ ҳисоб рақамига 3 (уч) фоиз гаров пули тўлаган ҳолда ариза бериб рўйхатдан ўтишлари шарт.

Ихтиёрий қўшимча хизматлар (ахборот ва маслаҳат хизмати) кўрсатиш учун тўлов олинади.

Аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан бир кун олдин соат 16.00 да тўхтатилади.

**Гаров пули қуйидаги ҳисоб рақамига тўланади:** 2020 8000 0049 5964 3001 "Ипотека-банк" АТИБ Тинчлик филиали МФО 00580 СТИР 302 221 689.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб 5 (беш) кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш юклатилади.

**Телефон:** 91-421-00-88.

**Расмий веб-сайт:** www.k oss.uz

*4621 рақамли гувоҳнома.*

**Салқин саҳарларда, бодом гулида,
Бинафша лабида, ерларда баҳор.
Қушларнинг парвози, елларнинг нози,
Бахмал водийларда, қирларда баҳор...**

Фасллар келинчаги гўзал баҳорнинг ташрифи ҳар бир қалбга ўзгача шукуҳ, қувонч ва хурсандчилик олиб келгани рост. Баҳор нафақат совуқ қишнинг тугаши, балки байрамларга бойлиги билан ҳам қувончли.

Фусункор табиатнинг уйғониши,
баҳорий айёмларнинг бошланиши –

# 8 МАРТ –
## Халқаро хотин-қизлар куни билан

Сиз, азиз ҳамкасблар, қадрли опа-сингиллар ва гўзал қизларни чин қалбдан муборакбод этамиз!

Сиз туфайли ҳаётимиз мазмунга, умримиз шодликка тўла. Барчангизга, энг аввало, мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт ҳамда ишларингизга улкан зафарлар тилаймиз.

**Доимо бахтимизга соғ бўлинг,
бор бўлинг, азиз ва мухтарам
АЁЛЛАР!**



«QISHLOQQURILISHLOYIHA» МЧЖ
бош лойиҳа-қидирув
институти жамоаси



*Куни кеча Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар кенгаши томонидан "Яшил макон" умуммиллий лойиҳасини қўллаб-қувватлаш, ушбу хайрли ташаббус доирасида ҳудудларни ободонлаштириш, кўчат ва гуллар экишни тарғиб этишга қаратилган баёноти қабул қилинди. Қуйида ушбу баёнот билан танишиш мумкин.*

# ЎЗБЕКИСТОН МУСУЛМОНЛАРИ ИДОРАСИ УЛАМОЛАР КЕНГАШИ БАЁНОТИ

*Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.*

*Аллоҳ таолога битмас-туганмас ҳамду санолар бўлсин.*

*Пайғамбаримиз алайҳиссаломга мукаммал ва батамом салавоту саломлар бўлсин.*

Муҳтарам юртдошлар!

Аллоҳ таоло инсонни улуғлаб, унга ато этилган неъмат – табиатни асраб-авайлаш, ундан меъёрида мақсадли фойдаланишга буюрган. Ҳақ таоло "Аъроф" сурасининг 56-оятида шундай амр қилади: **"Ерни яроқли қилиб қўйгандан кейин унда бузғунчилик қилмангиз!"**

Шу каби илоҳий таъкидлар ҳар бир инсонни неъматларга оқилона муносабатда бўлиш, атроф-муҳитни озода сақлаш, табиат мусаффолигини асрашга чақиради. Ислом динидаги ўгитлар Ер юзида яшовчи имон-эътиқодли кишилар қалбида табиатни эъзозлашга масъулият туйғусини оширади.

Афсуски, сўнгги йилларда дунё ҳамжамияти экологик муаммолар туфайли азият чекмоқда. Глобал иқлим ўзгаришлари, сув танқислиги, чанг бўронлари каби табиий офатлар инсониятни танг аҳволга солиб қўймоқда. Табиатнинг бу каби инжиқликлари, таассуфки, ўтган йили юртимизда ҳам кузатилди. 2021 йилнинг куз ойларида айрим ҳудудлардаги чанг бўронлари ҳар биримизни ҳушёр торттирди. Қолаверса, айни қиш кунларида ёғингарчиликнинг камайиб кетгани ҳам кишини ўйлантириб қўяди.

2022 йилнинг 2 февраль куни Президентимиз раислигида экологик ҳолатни яхшилаш ва "Яшил макон" умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш юзасидан ўтказилган йиғилишда шу каби долзарб масалаларга алоҳида тўхталиб, жумладан, ота-оналаримиз ўзи истиқомат қилаётган ҳовлиси, теварак-атрофни покиза, тоза сақлаш керак эканини таълим беришганини таъкидладилар. Ҳақиқатда, азалий қадриятларимизда тупроқ ва сув, умуман, табиат алоҳида қадрланган. Муҳтарам Президентимиз, жумладан, шундай дедилар: *"Бирни кессанг, ўнни эк" деган доно мақол ҳам бежиз айтилмаган. Дарахт эккан одамга унинг савоби тегиб туради, дейилган. Оилада фарзанд дунёга келса, унга атаб ниҳол экилган.*

Дунё миқёсида саноат юқори даражада ривожланган XXI асрда экология билан боғлиқ муаммолар биринчи даражали муаммо сифатида кун тартибига чиқмоқда. Авлодларимиз биздан кейин ҳам муносиб табиий муҳитда яшаши керак. Бунинг учун биз табиатга эътибор беришимиз, фақат бугунни эмас, яқин ва узоқ келажакни ўйлаб иш тутишимиз зарур.

Энг муҳим масала – аҳолининг экологик маданиятини ошириш. Бугун кўчага ёки исталган жойга қаранг. Ҳамма жойда одамлар ташлаб кетган чиқиндиларни кўрасиз. Биз она юртимизни муқаддас деймиз. Нима учун уни тоза-озода сақламаймиз? Ахир, муқаддас китобларимизда ҳам "Поклик имондандур" дейилган".

Дарҳақиқат, Президентимизнинг жонкуярлик билан айтган сўзлари – айни ҳақиқат. Чунки сўнгги пайтларда аҳоли орасида атроф-муҳитга беписанд, лоқайд қараш ҳоллари кузатилмоқда. Бунинг натижасида эса, табиийки, глобал экологик муаммолар юзага келмоқда.

Муҳтарам юртдошлар!

Аллоҳ таоло бизга атроф-муҳитни озода сақлаш, муҳофаза қилиш ва ифлослантирмасликка буюрган. Шу билан бирга, динимиз том маънода поклик динидир. Бежиз Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: "***Поклик имоннинг ярмидир***", – демаганлар (*Имом Бухорий ва Имом Молик ривояти*).

Инсон имонининг ярмини поклик, тозалик орқали мустаҳкамласа, қолганини илм воситасида эгаллайди. Бундан кўринадики, атроф-муҳит муҳофазаси мустаҳкам илмий асосга эга бўлиши зарур.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **"Албатта, Аллоҳ** (айбу нуқсондан) **покдир – хушбўйликни суяди, озодадир – озодаликни суяди, карамлидир – олийҳимматни суяди, сахийдир – саховатни суяди...», –**дедилар" (*Имом Термизий ривояти*).

Шу билан бирга, Пайғамбаримиз алайҳиссалом: ***"Уйларингиз атрофини пок тутинглар",*** – деганлар (*Имом Бухорий ва Табароний ривояти*). Зеро, Ватан остонадан – уйдан бошланади.

Уйларимиз атрофи, ариқлар, кўчалар, қабристон ва унинг атрофларини ҳашар йўллари билан тозалаш қадимдан халқимизда урф бўлиб келган яхши одатлардан. Мана, неча асрларки, бу урф-одат халқимиз қадриятларида ўз ифодасини топмоқда. Аммо сўнгги пайтларда юртдошларимиз бу қадриятлардан узоқлашгандек гўё.

Шу боис, Давлатимиз раҳбари бу масалага маҳалла фаоллари, нуронийлар, уламолар, оммавий ахборот воситалари ва кенг жамоатчилик эътибор қаратишга даъват этиб, барчанинг зиммасидаги муҳим вазифани шундай баён этдилар: "Албатта, бундай муаммоларни фақат маъмурий йўл билан ҳал этиб бўлмайди. Бунга **ёш авлод қалбида она табиатга дахлдорлик ҳиссини тарбиялаш орқали эришиш** мумкин. Маҳаллада, кўчаларда чиқинди ташлаган кишини кўрганда "бу ишингиз нотўғри бўлди", дейдиган муҳитни шакллантиришимиз, одамларни бунга ўргатишимиз керак. Бу – **ҳаммамизнинг ишимиз ва инсоний бурчимиздир".**

Ёши улуғларимизнинг сувга чиқинди ташлаш ва ҳатто тош отишга ҳам қўймасдан: "Сувнинг ҳам, ернинг ҳам жони бор, озор бериб бўлмайди", деган ҳикматини бугунги ёш авлодга ҳам таълим бериш керак.

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир ҳадисларида: "***Учта жойга: сув ўзанларига, серқатнов йўлларга ҳамда соя-салқин ерларга ахлат ташлаб, лаънатга қолишдан қўрқинглар***", – деганлар (*Имом Бухорий ва Абу Довуд ривояти*). Бироқ бугун бу ҳадисга амал қилмайдиганлар, лаънатдан қўрқмайдиган одамлар ҳам учраб тургани кишини ажаблантиради.

Қуръони каримдаги 750 га яқин оят табиат ҳодисалари ҳақида мулоҳаза юритишга ва Аллоҳ таолонинг яратиқлари ўртасидаги муносабатларни ўрганишга ундайди.

Улуғ алломалар асарларида ҳам атроф-муҳитга оид бир қатор масалалар баён этилган. Абу Али Ибн Сино "Тиб қонунлари" асарида атроф-муҳитнинг инсон саломатлиги ва руҳиятига таъсирини очиб берган. Амир Темур бўз ерларни ўзлаштирган кишилар ёки боғ қилганларни рағбатлантирган. Алишер Навоий эса табиатга хиёнатни дўстга хиёнат қилишга қиёс қилган.

Аллоҳ таоло бизнинг яхши яшашимиз учун неъмат қилиб берган Ер сайёрасига нисбатан яхши муомалада бўлишга буюради.

Акс ҳолда, фожиали фалокатлар содир бўлади. Сайёрамизда содир бўлаётган кўплаб техноген ҳолатлар, жумладан, атмосферага чиқарилаётган чиқиндилар сабаб иқлимнинг кескин ўзгариши, табиий бойликлардан ноақилона фойдаланиш оқибатида дарё ва денгизларнинг қуриши кабилар кенг жамоатчиликни ташвишга солмоқда.

Аллоҳ таоло Қуръони каримнинг "Рум" сураси 30-оятида шундай хитоб қилади: **"Одамларнинг қилмишлари туфайли қуруқлик ва денгизда бузғунчилик пайдо бўлди. Бу уларнинг** (ўз қилмишларидан) **қайтишлари учун қилган баъзи** (ёмон) **ишлари** (жазоси)**ни уларга тоттириш учундир"**.

Демак, қурғоқчилик, зироат ва тижоратдан бараканинг кетиши, турли касалликларнинг тарқалиши ҳамда ўт, сув балоси каби офатлар одамларнинг қилмишларига яраша огоҳлантиришдир.

Муҳтарам юртдошлар!

Чин мусулмон киши нафақат инсонларга, балки табиатга ҳам озор бермайди. Уни обод қилиш, кўкаламзорлаштириш пайида бўлади. Бу ташаббус ҳукуматимиз томонидан илгари сурилаётгани ҳар биримизни огоҳликка чақиради.

Маълумки, 2021 йил ноябрда "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси эълон қилиниб, 200 миллион туп дарахт кўчати экиш режалаштирилган эди. Бунга мувофиқ, кузда 85 миллион дона кўчат ўтқазилди. Кўплаб ташкилотлар, маҳаллалар, умуман, кенг жамоатчилик бу савобли ишда жонбозлик кўрсатди. Бу йил баҳор мавсумида 125 миллион дона дарахт кўчатларини экиш мўлжалланмоқда.

Мазкур йиғилишда Президентимиз: "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси бир йиллик тадбир эмас. Унинг доирасида келгуси беш йилда 1 миллиард туп дарахт кўчатини экишни мақсад қилганмиз. Бу умуммиллий ҳаракатнинг натижаси ҳар бир маҳаллада кўриниши керак, бу савобли ишни ҳавас билан қилиш керак", – дедилар.

Динимиз ҳам бундай хайрли ташаббусга хайрихоҳ бўлиб, кўкаламзорлаштириш ишларини кенг тарғиб қилади. Бунга Набий алайҳиссаломнинг ҳатто уруш пайтида ҳам дарахтларни сабабсиз кесмасликни, ўрмонларни ёқмасликни буюрганлари атроф-муҳит муҳофазасига эътиборнинг юксак кўринишидир.

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ алайҳиссаломдан ривоят қилган ҳадисда: "***Агар бир мусулмон банда кўчат ўтказса ёки экин экса, ундан қушми, инсонми ё ҳайвонми еса, бунинг учун унга садақа*** (*қилганлик савоби*) ***бўлади***", - дедилар (*Имом Бухорий ва Муслим ривояти*).

Дарахт экиш инсонга нафақат тириклигида, балки вафотидан сўнг ҳам манфаат етказиб туради, қиёмат кунигача садақаи жория сифатида банда фойдасига хизмат қилади.

Бундан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам умматларини кўчат ўтқазиш ва экин экишга тарғиб қилганлари маълум бўлади. Ҳатто Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: ***"Агар қиёмат қоим бўлиб қолсаю ва шу вақтда биронтангизнинг қўлида хурмо кўчати бўлса, уни экишга улгурса, экиб қўйсин",*** – дедилар (*Имом Бухорий ва Аҳмад ривояти*).

Бундан келиб чиқадики, ҳар биримиз ўзимиз яшаб турган шаҳару қишлоқларимизни, маҳаллаларимизни обод қилиб, жорий йилнинг 1 мартидан "Яшил йиллик" умуммиллий тадбири доирасида бошланган кўкаламзорлаштириш ишларида фаол бўлиб, масжидларимиз атрофига, маҳалла-кўйларимизга, кўчаларимизга бир тупдан кўчат ўтқазсак, бутун мамлакатимиз обод бўлиб, боғу бўстонга айланади.

Бундай хайрли ишларимизнинг савоби садақаи жория сифатида то қиёматгача номаи аъмолимизга тўхтовсиз савоб бўлиб ёзилиб туради, иншоаллоҳ.

Муҳтарам юртдошлар!

Аллоҳ таоло барчамизни покликка интилувчи, билганларига амал қилувчи, жисму имони, уй-жойи – Ватанини тоза тутувчи, боғу роғлар ўстирувчи ва ер юзини обод қилувчилардан айласин!

Бу ишларимиз қиёматгача садақаи жория бўлишини насиб этсин! Омин!

**Ўзбекистон мусулмонлари идораси**
**Уламолар Кенгаши**

## НАМУНАВИЙ ЛОЙИҲАЛАР

# 150 ўринли мактабгача таълим ташкилоти

**Райҳона ХЎЖАЕВА,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири

**150 ўринли мактабгача таълим ташкилоти намунавий ишчи лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 июндаги "Қамров даражаси паст бўлган туманларда мактабгача таълим ташкилотлари тармоғини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-5144-сонли қарори ижроси асосида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 9 августдаги 137-сон Раёсати Мажлиси баёнига асосан, "Ихтисослаштирилган лойиҳа-изланиш институти" давлат унитар корхонаси томонидан ишлаб чиқилди.**





**Техник иқтисодий кўрсаткичлар:**

қурилиш майдони (застройка) – 1011,4 $м^2$;

умумий майдон – 1214,6 $м^2$;

қурилиш ҳажми – 7279,0 $м^3$.

**Мактабгача таълим ташкилотининг намунавий режасида қуйидаги бино ва иншоотлар лойиҳалаштирилган:** МТТ биноси, қоровулхона, чўмилиш ҳавзаси, ёнғинга қарши сув ҳавзаси, қозонхона биноси, ташқи ҳожатхона биноси, оқова сув хандақи.

Шунингдек, лойиҳада болалар айвончаси, хўжалик майдони, болалар ўйингоҳи, йўл ҳаракати қоидалари майдончаси, спорт майдончаси, чиқиндихона, ҳовли ҳудудларини ободонлаштириш, ҳудудларни тўлиқ кўкаламзорлаштириш ишлари назарда тутилган.

МТТ биноси А ва Б блоклардан иборат.

А блок **–** 2 қаватли, тўртбурчак шаклда, ўлчамлари 31,5х14,4 метр, қаватнинг баландлиги 3 метр.

**А блокда қуйидаги хоналар жойлашган:** 1-қаватда тамбур, вестибюль. қабулхона, мудира хонаси, методист хонаси, психолог ва логопед хонаси, тиббиёт хонаси, муолажа хонаси, жиҳозлар омборхонаси, ходимлар хонаси, ходимлар учун санузел, кийиниш хонаси. 2-қаватда кийиниш хонаси, 30 кишилик гуруҳ ётоқхонаси, санузел ва ювиниш хоналари лойиҳалаштирилган.

Б блок – 1-қаватли, тўртбурчак шаклда, ўлчамлари 28,0х14,4 метр, қаватнинг баландлиги 3 метр.

**Б блокда қуйидаги хоналар жойлашган:** умумий зал, овқатланиш зали, ошхона, таомхона, идишларни ювиш хонаси, ошхона идишларини ювиш хонаси, қуруқ озиқ-овқат омборхонаси, ун маҳсулотлари хонаси, ходимлар хонаси, ходимлар ювиниш хонаси, санузел, жиҳозлар омборхонаси, электрошит хонаси, кир ювиш хонаси, иситиш қувурлари хоналари мавжуд. Бино барча муҳандислик тизимлари (сув, канализация, электр, иситиш, вентиляция, видеокузатув, ёнғин сигнализацияси) билан таъминланган.

Намунавий лойиҳа Мактабгача таълим вазирлиги ҳузуридаги "Инфратузилмани ривожлантириш бўйича Инжиниринг компанияси" Давлат унитар корхонаси (ДУК) билан келишилган ҳолда яратилган.

"Ихтисослаштирилган лойиҳа-изланиш институти" ДУК директори – Н. Ж. Нарматов.

Институт бош муҳандиси – Ш. Носиров.

# "Қутлы макан" обод маҳаллага айланмоқда

**Марат УЛПЕТОВ,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Жорий йил юртбошимиз томонидан "Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили" деб эълон қилиниши ҳар бир фуқаронинг ватанга, юртга ва ўзи яшаб турган маҳалласига нисбатан янада кўпроқ ишонч туйғусини уйғотгани шубҳасиз.**

Зеро, маҳалла тинч бўлса, юрт тинч, маҳалла обод, мамлакат обод, юртдошларимиз ўз ҳаётидан мамнун, ҳаёти янада фаровон ва мазмунли бўлиши билан бирга, муқаддас саналган оила ва ватан равнақи йўлида эзгу ишлар ҳалол меҳнат қилиш иштиёқи пайдо бўлади.

Ана шундай обод масканга айланаётган маҳаллалардан бири – Нукус шаҳрининг шимолий қисмида жойлашган "Қутлы макан" МФЙдир. Ушбу маҳалла Қорақалпоғистоннинг шимолий туманларидан кўчиб келаётган ёш оилалар ҳисобига кенгаймоқда ва бу ерда 1 304 та хонадон мавжуд бўлиб, 6 026 нафар аҳоли ҳаёт кечирмоқда.

Уларнинг шароитларини яхшилаш мақсадида хайрли ишлар давом этяпти. Жумладан, электр устунларини янгисига алмаштириш, табиий газ ва ичимлик сув тармоқларини тортиш, кўчаларни ободонлаштириш, йўлларни таъмирлаш, интернет ва телефон тармоқларини янгидан тортиш, шулар сингари кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг уйларини таъмирлаш ишлари жадаллик билан амалга оширилмоқда.Яқин кунлар оралиғида мана шу маҳалла ҳам шаҳардаги энг кўркам ҳудудлардан бирига айланиши шубҳасиз.

# ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ КЎЛАМИ ОРТМОҚДА








**Суратларда:** Бағдод туман давлат хизматлари марказида.
**Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар.**

**Фарғона вилояти Бағдод туманида 203 минг аҳоли истиқомат қилади. Айни кунларда туманда 3 минга яқин тадбиркорлик субъектлари фаолият кўрсатмоқда. Туманда сўнгги икки йилда 2 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди.**

Бағдод тумани Давлат хизматлари маркази аввал марказдан йироқ, қатнов жуда ноқулай бўлган Қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи эски биносининг бир бўлимида жойлашган эди. Аксарият ҳолларда, давлат хизматларидан фойдаланиш учун фуқаролар туман марказидан анча пиёда йўл босишига тўғри келар эди. Ҳозирги кунда эса манзара тамоман ўзгарган. Бир неча йиллар аввал маъмурий марказда янгидан қурилиб фойдаланишга топширилган замонавий давлат хизматлари маркази халқ ихтиёрига топширилдию, бағдодликлар учун янгидан янги имкониятлар эшиги очилди.

Туман давлат хизматлари марказида мижозларнинг навбат давомида ўз вақтларини сермазмун ўтказиши учун кутиш залига алоҳида эътибор билан ёндашилган. Бино кираверишқисмида марказ директори фуқароларни давлат хизматлари соҳасидаги мурожаатини ўрганади ва хизмат кўрсатиш учун малакали мутахассисларга йўналтиради. Марказда бир вақтнинг ўзида 15 нафар, бир кунда 550 нафар фуқарога хизмат кўрсатиш имконияти мавжуд.

Бағдод туман давлат хизматлари маркази 2021 йил давомида тадбиркорлар ва фуқароларга 80 мингдан ортиқ давлат хизматлари кўрсатди. Жорий йилнинг мос даврида эса 160 дан ортиқ хизматлар бўйича 4 минг 890 та давлат хизматлари аҳолига тақдим этилди.









**Суратларда:** корхонада ишлар қизғин.
**Жонибек ҚЎЗИМУРОДОВ (ЎзА) олган суратлар.**

# КОРХОНАДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИ ОШДИ

**"Сурхондарё ҳудудий электр тармоқлари" акциядорлик жамияти томонидан электр тармоқларини янгилаш ишларини тез ва сифатли амалга ошириш мақсадида Шеробод туманида жамиятга қарашли темир-бетон таянч ишлаб чиқариш заводи фаолияти йўлга қўйилган. Корхонада 24 нафар ходим меҳнат қилмоқда.**

Ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш мақсадида қўшимча қолиплар ўрнатилиб, бир кунлик ишлаб чиқариш қуввати 3 баробар, яъни бир кунда 88 дона темир-бетон таянчлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

# Ориентир – сохранение памятников архитектуры и их исторического облика

**Аскар ХАСАНОВ,**
доктор технических наук, профессор кафедры Автомобильные дороги, основания и фундаменты СамГАСИ, директор ООО "Геофундаментпроект"
**Хабибулло КАЮМОВ,**
кандидат архитектуры, доцент кафедры Архитектурное проектирование СамГАСИ, сотрудник ООО "Геофундаментпроект"
**Зоир ХАСАНОВ,**
кандидат технических наук, доцент кафедры Автомобильные дороги, основания и фундаменты Сам ГАСИ, зам. директора ООО "Геофундаментпроект".

**Архитектурное и градостроительное наследие Узбекистана составляет неотъемлемую часть историко-культурного достояния государства, которое определяет самобытность исторического прошлого народа и является предметом его национальной гордости. Наравне с богатствами природы это, несомненно, одно из главных оснований национального самоуважения и признания сообщества всего мира. Поэтому сегодня как никогда проблема сохранения и использования архитектурного наследия нашей страны имеет важное значение.**

В годы независимости руководство страны стало уделять большое внимание сохранению и реставрации памятников архитектуры. Принимая во внимание особое значение зодческого наследия в духовном и экономическом развитии, а также признании международного историко-культурного статуса страны на реконструкцию исторических объектов и городов правительством выделяются крупные средства.



Русско- Китайский банк, фотография конца XIX века



Фасад Русско-Китайского банка после реставрации



Интерьер конференц зала после восстановления





Фрагмент камина и детали карниза в интерьере конференц зала

### САМАРКАНД – ЖЕМЧУЖИНА ВОСТОКА

Как известно, зодчество Самарканда как составная часть центрально-азиатской архитектуры, прошло сложный и долгий путь исторического развития. Объективные процессы истории города определили неравноценные по уровню развития этапы зодчества, немногие из них дошли до нас сквозь века. Но и то, что сохранилось до наших дней, представляет богатое хранилище, каменную летопись судеб народов Узбекистана.

Сегодня остро стоит вопрос комплексного, научно-обоснованного решения проблемы взаимодействия старого и нового, особенно при реконструкции исторической части городов, связанных с их переустройством и оздоровлением ее исторической части. Особенно это актуально при крупномасштабной реконструкции, где необходимо учитывать их исторический статус и национальные традиции.

Именно с этими проблемами столкнулись специалисты архитекторы проектного института ООО "Геофундаментпроект" при проведении проекта реконструкции исторического здания Русско-Китайского банка в г. Самарканде, ныне административного здания ректората СамГУ.

Исторический период, смена хозяев здания и непрофессиональные ремонтные работы нанесли серьезный ущерб архитектурно-планировочному облику здания. Был сильно изменен как фасад, так и интерьер, значительно ухудшилось физическое состояние здания в целом.

Большой вред общему статусу историко-архитектурного значения этого здания был нанесен в период, когда в 70-годы прошлого столетия перед главным фасадом с нарушениями ПДП было построено типовое 4-х этажное здание учебного корпуса физико-химического факультета. Такое необдуманное решение городских властей существенно повлияло на исторический облик бульвара. С позиции архитектуры, эта пристройка не имеет никакой архитектурной эстетической ценности. Новое здание было построено без учёта значимости архитектурного облика и особенностей бульвара. Она полностью перекрыла изящный фасад исторического здания банка. Кроме того после завершения строительства 4-х этажного корпуса были проведены планировочные работы, весь строительный мусор вокруг исторического здания банка оставили на территории и его распланировали, что повысило уровень планировочной отметки на западной части территории банка на один метр.

Также перепланировка территории явилась причиной нарушения гидроизоляции и подъёму уровня влаги и нанесла ущерб как архитектуре исторического здания, так и физическому состоянию несущих конструкций. Мраморной облицовкой была закрыта архитектурная пластика, выложенной жженым кирпичом под расшивку исторически подлинный цоколь, который имел сложную архитектурную пластику кирпичной кладки до уровня пола первого этажа, выделенной на фасаде широкой гипсовой тягой, где карниз переходил в гипсовую тягу, отделяющий на фасаде цоколь от стены первого этажа.

### КАК ВОССТАНОВИТЬ УТРАЧЕННОЕ?..

Хочется отметить, что реставрация памятников архитектуры и градостроительства – это сложный процесс, требующий приобретаемых многими годами глубоких профессиональных знаний, практического опыта, высокой квалификации, тонкого, взвешенного подхода к каждому отдельно взятому сооружению. И специалисты ООО "Геофундаментпроект" отлично справились с этой задачей.

Так, для просушки стен от влаги было решено снять культурный слой земли с западной стороны до исторического уровня. Также был разработан проект благоустройства всего участка с устройством ливнеотводов с покрытием дорожек и площадок с применением малых архитектурных форм (светильники, урны, скамейки, беседки, цветочницы). Кроме того, решен вопрос по укреплению несущих конструкций, замены прогнивших балок и прогон. Проведя очистку от ганчевых рельефов, наслоения и покраски, были обнаружена подлинная цветовая гамма окраски фасадов и интерьеров, которые были восставлены в соответствии с исторически подлинными архитектурными решениями конца XIX века.

При разработке проекта реставрации также были изучены вопросы восстановления исторического ландшафта. Так обнаружив под слоем асфальта кирпичную выселку (в проекте было заложено восстановить отмостку по периметру исторического здания в кирпичном варианте) особое внимание в проекте было уделено ландшафту и восстановлению озеленению дворовой части в европейском классическом стиле близкой к историческому подлиннику.

Как уже упоминалось, реставрация архитектурного памятника является одним из самых сложных видов проектных работ. Так как помимо обычной предпроектной документации для начала работ над проектами реставрации памятника архитектуры требуется произведение глубоких научных, библиографических, археологических и др. необходимых исследований. Здесь необходимо отметить, что особое значение имеет исследования в области определения времени постройки пристройки к сооружению. Кроме того, при отсутствии графической документации нужно провести тщательные обмеры с определением утерянных частей памятника объекта реставрации. Также необходимы обследования состояний фундаментов стен и конструкций перекрытий и многое др.

### СЛОЖНОСТИ РЕСТАВРАЦИИ И ПУТИ РЕШЕНИЯ ЗАДАЧ

Опыт работы над проектом реставрации ректората Сам ГУ выявил большие сложности при проведении предпроектных работ и подготовки задания на разработку проекта реставрации, показал острую необходимость в возрождении научной базы и подготовки специалистов реставраторов широкого профиля.

Поэтому для повышения качества реставрации, соблюдения художественного уровня и исторической достоверности памятников важна подготовка специалистов по охране, реставрации и менеджменту архитектурного наследия – архитекторов, конструкторов, специалистов по декору, остро необходимых уже сейчас и еще более востребованных в будущем. Также необходимо усилить контроль за научной обоснованностью и грамотным применением методов и традиционных технологий, изготовляемых для реставрации строительных и отделочных материалов.

В конце хочется сказать, что современная архитектура и градостроительство должны быть ориентированы в первую очередь на сохранение памятников архитектуры и их исторического облика, на создание качественно нового гармоничного и комфортного пространства. Ведь история становления общества красной нитью продета в архитектуре городов, которая отражает различные эпохи и происходящие в них события, а культурное наследие несет в себе память ушедших времен, сохраняя ее для будущих поколений.

### ИЗ ИСТОРИЧЕСКОЙ ХРОНОЛОГИИ

Известно, что строительство здания Русско-Китайского банка в г. Самарканде было начато в 1896 году, в связи с развитием торгово-хозяйственной деятельности, начатой в Средней Азии. Здание Русско-Китайского банка была построена и сдана в эксплуатацию в 1898 г. Архитектурный облик здания банка гармонически вписался и пополнил целостный ландшафтный комплекс известного величественного в г. Самарканде Абрамовского бульвара.

После революции административные, жилые и пр. здания, построенные в период царской России, были национализированы. Такая же учесть произошла с зданием Русско-Китайского банка. В годы войны 1941-1945 в здании был размещён военный госпиталь, после войны городская больница. В 90-е годы здание было передано Самаркандскому Государственному университету для размещения административного здания ректората СамГУ. Администрация СамГУ хозяйственным способом проводила небольшую реконструкцию и ремонт здания.

# "Respublika mulk markazi" МЧЖ

## бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

**Аукцион савдога "HUDUDGAZ POYTAXT" gaz ta'minoti filialининг 2022 йил 7 мартдаги 41-01-22-45/1393-сонли буюртманомасига асосан, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Уйсозлар кўчаси, 72-уй манзилида сақланаётган, аукцион савдо кунлари ҳар 15 кун оралиғида 50 фоизга тушгунга қадар 10 фоиздан пасайтирилиб, қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:**

| № | Автомототранспорт воситасининг тавсифи (ишлаб чиқарилган йили, давлат рақами, техник ҳолати, русуми) | Бошланғич баҳоси (сўм) |
|---|---|---|
| 1. | 2008 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 072 KBA бўлган "Hyundai Sonata" русумли автотранспорт | 60 253 434,50 |
| 2. | 2008 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 776 XBA бўлган "Hyundai Sonata" русумли автотранспорт | 62 116 943,00 |
| 3. | 2008 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 550 FBA бўлган "Hyundai Sonata" русумли автотранспорт | 62 116 943,00 |
| 4. | 2000 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 861 FAA бўлган "ГАЗ-3110" русумли автотранспорт | 7 924 710,00 |
| 5. | 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 963 WBA бўлган "ГАЗ-2705" русумли автотранспорт | 8 820 600,00 |
| 6. | 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 162 NCA бўлган "ГАЗ-31029" русумли автотранспорт | 3 877 046,50 |
| 7. | 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 420 ZAA бўлган "ГАЗ-31029" русумли автотранспорт | 3 884 868,00 |
| 8. | 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 887 FAA бўлган "ГАЗ-31029" русумли автотранспорт | 3 909 451,00 |
| 9. | 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 575 WBA бўлган "ГАЗ-31029" русумли автотранспорт | 3 933 074,00 |
| 10. | 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 257 ZBA бўлган "ГАЗ-2411" русумли автотранспорт | 3 212 174,50 |
| 11. | 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 652 WBA бўлган "УАЗ-3152 " русумли автотранспорт | 4 096 236,50 |
| 12. | 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 732 WBA бўлган "ГАЗ-330210" русумли автотранспорт | 19 691 972,50 |
| 13. | 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 143 ZBA бўлган "ГАЗ-330210" русумли автотранспорт | 19 691 972,50 |
| 14. | 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 160 NCA бўлган "ЗИЛ-138" русумли автотранспорт | 8 565 711,50 |

**Аукцион савдо 2022 йил 24 март куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.**

Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). **Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2022 йил 18 март куни соат 16.00 гача.

Юқоридаги автотранспорт воситалари 2022 йил 24 март куни сотилмаган тақдирда такрорий савдолар 2022 йил 31 декабрь кунига қадар ҳар ҳафтанинг жума кунлари соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Такрорий савдо учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати савдо бўлишидан бир иш кун олдин соат 16.00 гача қабул қилинади.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўлангани ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

**Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "RMM" МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:** 2260 4000 2005 7145 2001 "Давр банк" ХАТБ Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 200 933 850.

**Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-"А" уй.

**Тел.:** 71-237-23-86.

*001805 рақамли гувоҳнома.*

# "Respublika mulk markazi" МЧЖ

## бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

**Аукцион савдога "HUDUDGAZ TOSHKENT" gaz ta'minoti filialининг 2022 йил 7 мартдаги 38-01-21-28/1023-сонли буюртманомасига асосан, Тошкент вилояти, Нурафшон шаҳри, Спорт кўчаси, 37-"А" уйда, шунингдек, автомототранспорт бириктирилган "HUDUDGAZ TOSHKENT" gaz ta'minoti filiali тасарруфидаги туман (шаҳар) газ таъминоти бўлими манзилларида сақланаётган, аукцион савдо кунлари ҳар 15 кун оралиғида 50 фоизга тушгунга қадар 10 фоиздан пасайтирилиб, қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:**

| № | Автомототранспорт воситасининг тавсифи (ишлаб чиқарилган йили, давлат рақами, техник ҳолати, русуми) | Бошланғич баҳоси (сўм) |
|---|---|---|
| 1. | 1975 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 893 EAA бўлган "GAZ-5204" русумли автомашина | 3 096 990,5 |
| 2. | 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 996 DAA бўлган "GAZ-66" русумли автомашина | 3 523 258,5 |
| 3. | 2007 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 280 BA бўлган "QM80DZ" русумли мотоцикл | 442 646,5 |
| 4. | 1974 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 481 AAA бўлган "GAZ-5227" русумли автомашина | 3 142 123 |
| 5. | 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 163 CAA бўлган "GAZ-52" русумли автомашина | 3 152 982,5 |
| 6. | 2007 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 514 AA бўлган "QM90DZ" русумли мотоцикл | 1 000 000 |
| 7. | 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 338 AAA бўлган "GAZ-31029" русумли автомашина | 2 397 569 |
| 8. | 2007 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 D 350 бўлган "QM90ZH" русумли мотоцикл | 1 000 000 |
| 9. | 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 461 FAA бўлган "GAZ-5208" русумли автомашина | 2 719 102,5 |
| 10. | 1983 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 301 BAA бўлган "KAVZ-685" русумли автомашина | 3 902 663,5 |
| 11. | 2007 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 106 AA бўлган "KM80DZ" русумли мотоцикл | 1 580 880 |
| 12. | 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 409 GAA бўлган "GAZ-5201" русумли автомашина | 2 953 497 |
| 13. | 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 977 VAA бўлган "GAZ-5204" русумли автомашина | 2 917 516,5 |
| 14. | 1974 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 691 QAA бўлган "UAZ-452" русумли автомашина | 3 279 387,5 |
| 15. | 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 253 FAA бўлган "GAZ-5208" русумли автомашина | 5 070 578 |
| 16. | 1980 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 118 OAA бўлган "GAZ-52" русумли автомашина | 3 050 045 |
| 17. | 1985 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 267 FAA бўлган "GAZ-5208" русумли автомашина | 3 022 420 |
| 18. | 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 262 BAA бўлган "GAZ-31029" русумли автомашина | 3 995 852,5 |
| 19. | 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 232 HAA бўлган "GBA-SPG-GAZ-31029" русумли автомашина | 3 185 246,5 |
| 20. | 1982 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 230 HAA бўлган "GAZ-5208 SPG" русумли автомашина | 1 498 952 |
| 21. | 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 178 HAA бўлган "GBA-SPG KAVZ-3270" русумли автомашина | 1 958 796,5 |
| 22. | 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 761 MAA бўлган "GAZ-5204" русумли автомашина | 4 162 637 |
| 23. | 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 131 JAA бўлган "AGB GAZ-31029" русумли автомашина | 3 691 107,5 |
| 24. | 1969 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 128 MAA бўлган "GAZ-51A" русумли автомашина | 1 778 429 |
| 25. | 1981 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 127 MAA бўлган "UAZ-452" русумли автомашина | 2 547 097 |
| 26. | 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 995 DA бўлган "2 PTS-4-793" русумли тиркама | 1 584 916,5 |
| 27. | 1971 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 319 NAA бўлган "GAZ-5204" русумли автомашина | 3 512 007,5 |
| 28. | 1985 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 321 NAA бўлган "GAZ-5208" русумли автомашина | 3 512 007,5 |
| 29. | 1986 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 844 UAA бўлган "GAZ-5208" русумли автомашина | 2 834 345,5 |
| 30. | 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 102 SAA бўлган "GAZ-5208" русумли автомашина | 2 500 887 |
| 31. | 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 243 RAA бўлган "GAZ-5204" русумли автомашина | 3 169 715 |

**Аукцион савдо 2022 йил 24 март куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.**

Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). **Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2022 йил 18 март куни соат 16.00 гача.

Юқоридаги автомототранспорт воситалари 2022 йил 24 март куни сотилмаган тақдирда такрорий савдолар 2022 йил 31 декабрь кунига қадар ҳар ҳафтанинг жума кунлари соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Такрорий савдо учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати савдо бўлишидан бир иш кун олдин соат 16.00 гача қабул қилинади.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўлангани ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

**Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "RMM" МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:** 2260 4000 2005 7145 2001 "Давр банк" ХАТБ Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 200 933 850.

**Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-"А" уй.

**Тел.:** 71-237-23-86.

***001805 рақамли гувоҳнома.***

# "DUNYO-M" aksiyadorlik jamiyati

## АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

**Жамият номи:** "DUNYO-M" aksiyadorlik jamiyati.

**Манзил:** Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, Шайхали қўрғони, Олтин бошоқ кўчаси, 1-уй.

**Электрон почта манзили:** dunyo_m@mail.ru

"DUNYO-M" aksiyadorlik jamiyati акциядорларининг 2021 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича навбатдаги умумий йиғилиши 2022 йил 1 апрель куни соат 12.00 дан бошлаб жамият мажлислар зали (Олтин бошоқ кўчаси, 1-уй)да ўтказилади.

Жамият акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилиши тўғрисида акциядорларга хабар бериш учун жамият акциядорлари реестри 2022 йил 7 март ҳолатига ҳамда навбатдаги умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар реестри 2022 йил 28 март ҳолатига шакллантирилади.

**КУН ТАРТИБИГА КИРИТИЛГАН МАСАЛАЛАР:**

1. Жамият кузатув кенгашининг 2021 йил иш фаолияти якуни бўйича ҳисоботини эшитиш ва тасдиқлаш.
2. Жамиятнинг 2021 йил молия-хўжалик фаолияти якуни, шунингдек бизнес-режа кўрсаткичларининг бажарилиши юзасидан бошқарув органининг ҳисоботини эшитиш ва тасдиқлаш.
3. Жамиятнинг 2021 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича Ишлаб чиқариш, маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича директорнинг ҳисоботини эшитиш ва тасдиқлаш.
4. Жамият тафтиш комиссиясининг 2021 йил иш фаолияти якуни бўйича ҳисоботини эшитиш ва тасдиқлаш.
5. Жамиятнинг 2021 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича ташқи аудитор хулосасини тасдиқлаш.
6. Жамиятда харидлар жараёнининг шаффофлиги, асослилиги шу жумладан, маҳаллий маҳсулотларнинг сифат ва нарх бўйича белгиланган параметрларга мувофиқлигини ҳисобга олган ҳолда импорт харидларини, шунингдек валюта ресурсларидан самарали фойдаланилиши тўғрисидаги ташқи аудитор хулосасини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш.
7. Жамиятнинг 2021 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар ҳисоботини тасдиқлаш, олинган соф фойдасини тақсимлаш ва жамият акциядорларининг бир дона акциясига тўланадиган дивиденд пули миқдорини тасдиқлаш.
8. Жамият кузатув кенгаши аъзолари таркибини сайлаш.
9. Жамият тафтиш комиссияси аъзолари таркибини сайлаш.
10. Жамият саноқ комиссияси аъзолари таркибини сайлаш.
11. Жамият кузатув кенгаши билан бошқарув раиси ва бошқарув органи аъзолари ўртасида меҳнат шартномасини бир йил муддатга тузиш.
12. Жамиятнинг 2022 йил учун тузилган бизнес-режани тасдиқлаш.
13. Жамиятнинг 2022 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича аудит ўтказадиган аудиторлик ташкилоти ва унга тўланадиган хизмат ҳақи учун пул маблағи миқдорини тасдиқлаш.
14. Жамиятда 2021 йил якуни бўйича мустақил ташкилот томонидан ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш бўйича хулосасини тасдиқлаш.
15. Жамиятда 2021 йил якуни бўйича мустақил ташкилот томонидан ўтказилган самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (СМК) бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.

Акциядорларни умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш учун маълумот (материал)лар билан жамият ҳисобчилар бўлими орқали танишиш мумкин. Тел.: 75-221-24-76

**Эслатма:**

1. Йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар навбатдаги умумий йиғилишга киришда шахсини тасдиқловчи ҳужжат, яъни паспортини кўрсатиши шарт.
2. Йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг ишончли вакиллари акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилишига фақат нотариал идора томонидан тасдиқланган ишончнома орқали киритилади.

### "DUNYO-M" aksiyadorlik jamiyatiнинг 2022 йил 1 январь ҳолатига бухгалтерия баланси

*минг сўм*

| № | Кўрсаткичлар номи | 01.01.2021 й. | | 31.12.2021 й. | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | Актив | Пассив | Актив | Пассив |
| 1. | Асосий воситалар қолдиқ қиймати | 25 197 269 | | 22 671 657 | |
| 2. | Инвестициялар | 10 449 273 | | 10 849 273 | |
| 3. | Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар | – | | – | |
| 4. | Капитал қўйилмалар | – | | – | |
| 5. | Товар-моддий захиралар | 215 398 924 | | 164 500 426 | |
| 6. | Дебиторлар | 70 784 844 | | 51 824 017 | |
| 7. | Пул маблағлари | 1 639 162 | | 14 372 524 | |
| 8. | Бошқа жорий активлар | | | | |
| 9. | Устав капитали | | 30 982 248 | | 30 982 248 |
| 10. | Қўшилган капитал | | 295 581 | | 295 581 |
| 11. | Захира капитали | | 13 744 585 | | 15 842 991 |
| 12. | Тақсимланмаган фойда | | 61 458 608 | | 62 157 073 |
| 13. | Мақсадли тушумлар | | 80 869 560 | | 80 869 560 |
| 14. | Узоқ муддатли мажбуриятлар | | – | | – |
| 15. | Жорий мажбуриятлар | | 136 118 890 | | 74 070 444 |
| | **Баланс** | **323 469 472** | **323 469 472** | **264 217 897** | **264 217 897** |

### "DUNYO-M" aksiyadorlik jamiyatiнинг 2022 йил 1 январь ҳолатига молиявий натижалари бўйича ҳисоботи

*минг сўм*

| | Кўрсаткичлар номи | 01.01.2021 й. | 31.12.2021 й. |
|---|---|---|---|
| 1. | Маҳсулот сотишдан тушган тушум | 395 703 107 | 303 216 133 |
| 2. | Маҳсулот таннархи | 329 416 886 | 258 043 196 |
| 3. | Давр харажатлари | 21 447 376 | 28 957 923 |
| 4. | Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари | 6 529 242 | 3 941 124 |
| 5. | Молиявий фаолият даромадлари | 54 294 | 37 745 |
| 6. | Молиявий хўжалик харажатлари | 310 105 | 147 342 |
| 7. | Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси | 51 112 276 | 20 046 541 |
| 8. | Фойда солиғи | 8 685 565 | 4 052 319 |
| 9. | Фойдадан бошқа солиқлар ва йиғимлар | – | |
| 10. | Соф фойда | 42 426 711 | 15 994 222 |

### Аудиторлик хулосаси тўғрисида маълумот

1. **Аудиторлик фирмасини номи:** МЧЖ шаклидаги "HOMBUR-AUDIT" аудиторлик ташкилоти.
2. **Лицензия рақами:** 00749-сонли.
3. **Лицензия берилган вақти:** 2019 йил 1 апрель.
4. **Аудиторлик хулосаси берилган вақти:** 2022 йил 3 март.
5. **Аудитор хулосаси:** ижобий.

**Жамият бошқаруви.**

# "Дон-халқ ризқи" АЖ

## АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

"Дон-халқ ризқи" акциядорлик жамияти кузатув кенгашининг қарорига асосан жамиятнинг 2021 йил якуни муносабати билан ўтказиладиган акциядорларнинг навбатдаги Умумий йиғилиши 2022 йил 31 март куни соат 14.00 дан бошлаб жамият мажлислар залида ўтказилади.

**ЙИҒИЛИШ КУН ТАРТИБИГА ҚУЙИДАГИ МАСАЛАЛАР КИРИТИЛГАН.**

1. "Дон-халқ ризқи" АЖнинг 2021 йил фаолияти якунлари бўйича кузатув кенгаши ҳисоботини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш.
2. "Дон-халқ ризқи" АЖ ижро органининг 2021 йилги бизнес-режаси кўрсаткичи параметрларини бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботи.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 августдаги ПҚ-4426-сонли қарори талабларига мувофиқ 2021 йил якуни бўйича корхонанинг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича директори ҳисоботини кўриб чиқиш.
4. "Дон-халқ ризқи" АЖнинг 2021 йил якуни бўйича аудиторлик ташкилоти томонидан берилган хулосани кўриб чиқиш.
5. "Дон-халқ ризқи" АЖ тафтиш комиссиясининг 2021 йил якунлари тўғрисидаги ҳисоботи.
6. "Дон-халқ ризқи" АЖ фаолиятининг 2021 йилдаги якуний бухгалтерия баланси, молиявий натижалари, фойда ва зарарлари тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш.
7. "Дон-халқ ризқи" АЖ томонидан 2021 йил якуни билан олинган соф фойда тақсимотини тасдиқлаш.
8. "Дон-халқ ризқи" АЖнинг 2022 йил учун мўлжалланган бизнес-режасини тасдиқлаш.
9. "Дон-халқ ризқи" АЖ кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
10. "Дон-халқ ризқи" АЖ тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.
11. "Дон-халқ ризқи" АЖ Бошқаруви раисининг меҳнат шартномасини бир йил муддатга узайтириш тўғрисида.
12. "Дон-халқ ризқи" АЖ ижроия органи аъзоларини кўриб чиқиш ва сайлаш.
13. "Дон-халқ ризқи" АЖ 2022 йил якуни билан жамият ташқи аудиторлик ташкилотини танлаб олиш ва унга тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш.
14. Корпоратив бошқарув кодекси талабларига мувофиқ, жамиятда 2021 йил якуни бўйича мустақил ташкилот томонидан ўтказилган "Корпоратив фаолиятни баҳолаш" бўйича хулосани кўриб чиқиш.
15. Жамиятда харидлар жараёнининг шаффофлиги, маҳаллий маҳсулотларнинг сифат ва нарх бўйича белгиланган параметрларга мувофиқлигини ҳисобга олган ҳолда импорт харидлари, шунингдек валюта ресурсларидан самарали фойдаланиши тўғрисида ташқи аудит хулосасини эшитиш.
16. Жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича жамият ижроия органи фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш мезонларининг бажарилиши бўйича ташқи аудит томонидан берилган хулосани эшитиш.

Йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга акциядорлар ўзлари билан шахсини тасдиқловчи ҳужжат, акциядорнинг вакили эса шахсини тасдиқловчи ҳужжат ва нотариал тартибда тасдиқланган ишончнома билан келишлари шарт.

Акциядорлар умумий йиғилишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган материаллар билан "Дон-халқ ризқи" АЖга душанбадан жумагача соат 9.00 дан 16.00 гача ёзма мурожаат этишлари лозим. Тақдим этилиши лозим бўлган материаллар ёзма мурожаат келиб тушган санадан бир кунлик муддатда тақдим этилади.

**Жамият манзили:** Шаҳрисабз шаҳри, Беруний кўчаси, 111-"а" уй.

**Мурожаат учун телефонлар:** 75-522-02-69, 522-73-04.

# Сурхондарёлик тадбиркорларнинг ибратли ишлари

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Мамлакатимиз жануби – Сурхондарё вилоятида сўнгги йилларда фуқароларнинг талаб ва истаклари ҳамда уларнинг турар жойга бўлган эҳтиёжларини қондириш, зарур шароитлар яратиб бериш мақсадида бунёдкорлик ишлари жадаллаштирилиб, кўп қаватли уйлар қуриш, шунингдек ободонлаштириш соҳаларида асрларга татигулик ишлар амалга оширилмоқда.**

Бугунги кунда воҳанинг ҳар бир туман ва шаҳарларида бу сингари қурилишлар кўлами янада кенгайтириляпти. Бунёдкорлик ишларини ривожлантириш баробарида кам таъминланган оилалар, боқувчисини йўқотган ҳамда ўзгалар парваришига муҳтожларнинг турмуш даражасини оширишга эътибор кучайтириляпти. Шу сингари янги иш ўринлари яратиб, вақтинчалик ишсиз мақомини олганлар ва дафтарлар рўйхатига турганларни қайта ихтисослаштириб, уларнинг доимий меҳнатга бандлигини таъминлаш ҳам вилоят раҳбарларининг эътибор марказида бўляпти.

Бунинг учун ўз муддатини ўтаб бўлган корхоналар негизида тадбиркорлик асосида замонавий ишлаб чиқариш тармоқларини шакллантириб, иш ўринлари яратиляпти. Шулар баробарида чет давлатлардаги номдор корхоналар билан ўзаро стратегик шериклик муносабатларини ривожлантириш ҳисобига тадбиркорлик ва ишбилармонликнинг манфаатли бизнес лойиҳалари фаолияти йўлга қўйилаётгани нафақат мақсадга эришишда, балки маҳаллий иқтисодиётни шакллантириб, фуқароларнинг турмуш шароитларини яхшилашда ҳам муҳим ўрин тутмоқда.

Мазкур йўналишдаги тадбирлар аллақачон ўз самарасини бера бошлади. Вилоят ҳокимлигидан олинган маълумотларга кўра, ўтган беш йил оралиғида Россия давлати ишбилармонлари билан ҳамкорликда 44 та қўшма корхона фаолияти йўлга қўйилгани ва юзлаб янги иш ўринлари барпо этилгани натижасида 100 миллион доллардан зиёд тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ўзлаштирилди. Масалан, Ангор туманида рusларнинг “Брейн Инвест” компанияси “Тановар Сурхон” масъулияти чекланган жамияти таркибида агросаноат мажмуида маҳсулотлар етиштириш-сақлаш лойиҳасини шакллантириш ҳисобига беш миллион долларлик инвестицияни киритди. Бугун ана шу корхонада яратилган шароитлар туфайли кейинги икки ой оралиғида 120 минг долларлик қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қилишга эришилди.

Шунингдек, вилоят марказидан 150 километр олисда жойлашган Узун туманидаги “Kapital Golden” МЧЖда россиялик инвесторлар барпо қилган пишиқ ғишт ишлаб чиқариш лойиҳасига икки миллион долларлик сармоя киритилди ва 30 нафар киши доимий ишли бўлди. Айни пайтда жамиятда тайёрланаётган сифатли ғиштлар туманда бунёд этилаётган йирик ҳажмдаги иншоотларни арзон қурилиш маҳсулоти билан таъминлашда асқатяпти.

Айтиш жоизки, давлатимиз раҳбарининг шу йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони бошланган ҳаракатларни янада кенгайтиришда дастуриламал бўлмоқда. Унга кўра, Сурхондарёда 2022-2026 йилларда ҳамкорлар билан яна кўплаб истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган. Чунончи, россиялик сармоядорлар қиймати 536 миллион долларга тенг 4 та йирик лойиҳа орқали 490 миллион доллардан зиёд тўғридан-тўғри хорижий инвестиция киритади. Мана шу режа бўйича Қизириқ туманида йиллик қуввати 65,7 минг тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга мўлжалланган иссиқхона комплекси барпо этилиб, унга 340 миллион доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестиция жалб этилади. Саноатни юксалтириш бўйича Жарқўрғон туманида умумий қиймати 3,5 миллион долларга тенг бўлган “Green Sulfcrete” ҚК МЧЖ томонидан серобетон ишлаб чиқариш ташкил этилиб, жорий йилнинг ўзида ишга туширилади ва 50 та янги иш ўрни яратилади.

Президентимиз барча соҳаларни жадал юксалтиришга алоҳида эътибор қаратиб, бу борада вилоятлар дунёнинг етакчи давлатлари билан мустаҳкам ҳамкорлик алоқаларини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишнинг аниқ мақсадга йўналтирилган истиқболли йўлларини белгилаб берган эди. Шу асосда вилоятдаги ишбилармон ва тадбиркорлар Россия Федерациясининг Новосибирск, Красноярск, Иркутск сингари вилоятлар билан мустаҳкам алоқалар ўрнатишган.

Мана шундай истиқболли ҳамкорлик натижасида 2021 йили вилоятнинг россияликлар билан товар айланмаси 48 миллион долларга тенг бўлиб, 23,5 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинди. Ана шу ҳамкорлик алоқалари доирасида соғлиқни сақлаш тизимидаги муаммоларга ечим топишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Масалан, Новосибирск шаҳридаги Мешалкин номли қон айланиш патологиялари илмий-текшириш институти ва Красноярск ўлкасидаги Юрак қон-томир марказининг тажрибали шифокорлари билан малака ошириш ҳамда шу клиникаларнинг тажрибаларини вилоятда татбиқ қилиш юзасидан тузилган шартномага кўра, якунланган йилда Новосибирскдаги малакали шифокорлар Сурхондарёга келиб, маҳаллий мутахассислар билан биргаликда 50 дан ортиқ беморда илк марта юрак қон-томир стендлаш, ўткир коронар синдромли беморларни стендлаш, юрак туғма парогини инвазив усулда даволаш амалиётини ўтказишди.

Мазкур ҳамкорликнинг муҳимлиги шундаки, яқингача шундай дардларга чалинган беморлар асосан, Россия, Ҳиндистон ва бошқа давлатларга бориб, катта маблағ эвазига кардиожарроҳлик йўли билан даволаниб келар эди. Агар бунинг моддий томони ҳисоб-китоб қилинса, эндиликда бир бемор учун 76 миллион сўмни тежаш имконияти яралди. Шу ҳисобда ўтган йили жарроҳлик амалиётини ўтказган 50 дан ортиқ беморларнинг оилавий бюджетида 2 миллиард 600 миллион сўмдан зиёд маблағ тежаб қолинди.

Юртимизда ўтказилаётган изчил ислоҳотлар туфайли инсон манфаатлари устувор йўналишга олиб чиқиляпти, фуқароларнинг турмуши тобора яхшиланиб бормоқда. Муҳими, мақсадга эришиш учун фуқароларимизда шижоат бор, бугун қўл ураётган ишлари ва ташаббуслари эртага ўзига, жамиятимиз ривожига ҳамда элга қандай наф келтиришини яхши билишади.

# Агросаноат мажмуи: КЕЧА ВА БУГУН

**Кейинги йилларда мамлакатимиз агросаноат мажмуи тармоқлари ҳам ислоҳотлар жараёнига жадал кириб бормоқда. Соҳада истиқболли, камхарж ва тежамкор технологияларнинг қўлланилаётгани ҳамда экинларни томчилатиб суғоришга алоҳида эътибор берилаётгани натижасида нафақат ерларнинг балл бонитети меъёрлашмоқда, балки ҳосилдорлик ҳам сезиларли даражада орта бошлади.**

Қишлоқ хўжалигида татбиқ қилинаётган мана шу сингари саъй-ҳаракатлар бозор муносабатларини амалиётга жорий этиш, айниқса, асосий техник экин – пахта хомашёсини қайта ишлаш ва тўқимачилик саноатини ривожлантириб, талаб даражасидаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш тармоқларининг интеграциялашувини кенгайтириш, шулар баробарида пахта-тўқимачилик ҳамда кластерлар фаолиятини янада яхшилашда муҳим омил бўлмоқда.

Техник экинларга кенг ихтисослашган Сирдарё вилоятининг Сайхунобод туманида бундан икки йил аввал “Polytex Sirdaryo” пахта тўқимачилик кластери ўз фаолиятини бошлаган эди. Тадбиркорликка алоҳида аҳамият қаратилаётгани натижасида қисқа даврда 500 миллиард сўмлик инвестиция киритишга эришилди. Шунинг ҳисобига дафтарларда рўйхатга турган 2 минг нафар кишининг доимий иш билан бандлиги таъминланди. Янги тизимнинг афзалликлари жуда кўп эканини фермерлар мамнуният билан айтишмоқда. Уларнинг таъкидлашича, авваллари фермер ўзига керакли энг зарур маҳсулотларни олиш учун турли ташкилотларга бориб, қимматли вақтини йўқотишга мажбур бўлган. Эндиликда эса кластер тизимида Германия, Россия ва Хитой давлатлари билан ҳамкорликда энг замонавий логистика маркази, ёғ-мой ишлаб чиқариш корхонаси, фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи ёқилғи ҳамда минерал ўғитлар базаси, машина-трактор парклари мавжуд бўлиб, барчаси деҳқон меҳнати ҳамда уларнинг вақтларини тежашга қаратилган.

Тараққиёт стратегиясини тизимга изчил татбиқ қилиш юзасидан мазкур кластер 2022-2024 йилларда ўз олдига яна катта мақсадларни қўйган. Ана шу давр оралиғида Сайхунобод туманида қўшимча 9 та йирик лойиҳани амалиётга жорий этиш назарда тутилган. Бунинг учун эса ҳозирги кунларда барча зарур ишлар олиб борилмоқда. Масалан, шундай лойиҳалардан бири – кластер қошида Германиянинг энг кўзга кўринган “TRUETZSCHLER” компанияси билан ҳамкорликда ип-калава маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги қувват ўз фаолиятини бошлади. Айтиш жоизки, мазкур корхонанинг ишга туширилиши нафақат туман, балки вилоятда катта аҳамият касб этади.

Муҳими, чекка туманларда ҳам саноат ишлаб чиқариш корхоналари, фабрикалар қурилиб, фойдаланишга топширилаётгани вақтинчалик ишсиз мақомидаги аҳолини иш билан таъминлаш ва моддий манфаатдорлигини оширишга хизмат қилмоқда. Ҳукуматимиз тадбиркор ва ишбилармонларнинг ҳақ-ҳуқуқларини қонунлар билан мустаҳкамлаб қўйгани ва уларга яратилаётган имкониятларга жавобан тадбиркорларнинг амалга ошираётган ишлари таҳсинга лойиқдир. Туманнинг Бахмалсой маҳалласида уларнинг кучи билан қад ростлаган ип-калава ишлаб чиқарувчи корхона ҳам энди эл-юрт фаровонлигини янада яхшилашга хизмат қилади.

Умумий майдони 12,4 гектардан иборат мазкур фабриканинг лойиҳа қиймати 30 миллион АҚШ долларига тенг бўлиб, йиллик ишлаб чиқариш қуввати 7 минг 500 тоннани ташкил қилади. Бундан ташқари, 500 нафар киши ишлайдиган корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 99 фоизи экспортга йўналтирилиши мақсад қилинган. Кластер раҳбарининг эътироф этишича, навбатдаги лойиҳалардан бири туман аҳолисига етарли шароитлар яратишга қаратилган. Яъни, ҳудудда ишчи-ходимларни уй-жой билан таъминлаш мақсадида 40 та оилага мўлжалланган 9 қаватли янги турар жой мажмуасини бунёд этиш режалаштирилмоқда. Уни кечиктирмасдан амалда татбиқ этиш учун кластер томонидан 15 миллиард сўм маблағ йўналтирилиши мўлжалланган. Шунингдек, ушбу ҳудудда Инновацион ривожланиш вазирлиги билан ҳамкорликда 400 ўринли инновацион мактаб ва спорт мажмуаси ҳам қад ростлайди.

**Ўз мухбиримиз.**

## TA’LIM MUASSASASIDA

# Bitiruvchilar va korxona xodimlari bilan uchrashuv

**Toshkent arxitektura-qurilish instituti bitiruvchi kurs talabalarini ish bilan ta’minlash bo‘yicha yirik ish beruvchi korxonalar xodimlari bilan uchrashuv tashkil etildi.**

Marketing va talabalar amaliyoti bo‘limi tomonidan o‘tkazilgan bu uchrashuvda “Shahar va qurilish xo‘jaligi”, “Qiymat injiniring”, “Geodeziya kartografiya”, “Muhandislik kommunikatsiyalari qurilishi va montaji” yo‘nalishi talabalari “Enter Engineering” qurilish kompaniyasining bir guruh xodimlari bilan tanishdilar.

Talabalarning kompaniyadagi yaratilgan sharoitlar, ish bilan ta’minlash va bo‘sh ish o‘rinlari haqidagi savollariga mutaxassislar batafsil javob berishdi.




# Stipendiya sohiblari taqdirlandi

**TAQIda Prezident va nomdor stipendiya sovrindorlari hamda ularning ilmiy rahbarlarini taqdirlash marosimi bo‘lib o‘tdi.**

Unda rektor Ercan Kahya bilan talabalar o‘rtasida ingliz tilida ochiq muloqot o‘tkazildi. Talabalar o‘z yutuqlari haqida rektorga gapirib berdilar. Tadbir yakunida talabalar va ilmiy rahbarlar guvohnomalar, tashakkurnomalar hamda sovg‘alar bilan taqdirlanishdi.

Iqtidorli talabalar logitipi tushirilgan esdalik sovg‘a rektorga ham manzur bo‘ldi.

# “Barchasi o‘z qo‘lingda!”

**Institutga Yunusobod tumani hokim o‘rinbosari Shavkat Qurbonboyev hamda Toshkent moliya instituti o‘qituvchisi, Xalq deputatlari Toshkent shahar Kengashi deputati Abdumalik To‘laganov tashrif buyurdi.**

Institut professor-o‘qituvchilari, dekan o‘rinbosarlari, tuyutorlar hamda talaba-yoshlar ishtirokida “Barchasi o‘z qo‘lingda!” mavzusida davra suhbati bo‘lib o‘tdi.

Davra suhbatida talabalar mamlakatimizda yosh tadbirkorlikga yaratilayotgan imkoniyatlar haqida batafsil ma’lumotga ega bo‘lishdi. Shuningdek, tadbirda yurtimizda tobora taraqqiy etib borayotgan qurilish-bunyodkorlik ishlarining bugungi kundagi ahamiyati, yoshlarning bu yo‘nalishdagi intilishlari haqida fikrlar aytildi. Bo‘lajak quruvchi



va arxitektorlar mutaxassislardan o‘zlarini qiziqtirgan savollarga javob olishdi.

Kelgusida bu kabi amaliy muloqotlarni muntazam o‘tkazishga kelishib olindi.

# Umrning har dami g‘animat

**Malika ERALIYEVA,**
TDYU 2-bosqich talabasi.

*Umrdan o‘tajak har lahza uchun*
*Qudratli qo‘l bilan qo‘yaylik haykal.*

Darhaqiqat, vaqt – bu oliy ne’mat. Ba’zan bir soniyada biz kutmagan, taqdirimizni butkul o‘zgartirib yuboradigan voqealar yuz berishi mumkin. Bu esa bizning harakatlarimizga, mehnatimizga bog‘liq, albatta.

Mana shunday voqea-hodisalarni badiiylashtirib, she’riy san’atlarni mohirona qo‘llagan adibimiz G‘afur G‘ulom o‘zining “Vaqt” she’rida barchasini aks ettirgan. Garchand ushbu she’r II jahon urushidan keyingi g‘alabaga bag‘ishlab yozilgan bo‘lsa-da, xuddi bugungi kun uchun bitilgandek. Shoir mazkur she’rida vaqtning qadriga yetish kerakligi, inson hayotini kapalak umriga qiyoslashi bejiz emas. Bugungi globallashuv jarayonida vaqtimiz ko‘z ochib-yumguncha o‘tib ketmoqda. Kimdir undan unumli foydalanib, o‘zi uchun kerakli ishlarga sarflamoqda. Yana kimdir esa uni behudaga ketkazib, o‘z kelajagini barbod qilmoqda.

*G‘uncha ochilguncha o‘tgan fursatni*
*Kapalak umriga qiyos etgulik.*
*Ba’zida bir nafas olgulik muddat*
*Ming yulduz so‘nishi uchun yetgulik.*

Bir lahzada ne-ne ishlar bo‘lib ketmaydi, deysiz. Insonning joni uzilishi, kimdir o‘zi uchun muhim bo‘lgan qarorni qabul qilishi, chaqaloqning dunyoga kelishi va hokazolarni misol qilib keltirishimiz mumkin. Hayotning abadiy qonuniyatlarini anglagan, his qila olgan odam uchun behuda lahzaning o‘zi yo‘q va bo‘lishi ham mumkin emas. Zero, inson necha yil umr ko‘rishidan qat’iy nazar, bu umrning asosini mana shu lahzalar tashkil etadi. Bejizga, dono xalqimiz: “Toma-toma ko‘l bo‘lur”, deb aytishmagan. Mana shu lahzalar yig‘ilib, bizning butun hayot yo‘limizni tashkil etadi. Buyuk qahramonliklar ham, isnodli sharmandaliklar ham ayni lahzalar oralig‘ida ro‘y beradi. O‘zini, o‘zligini unutgan odam bir lahzada yo‘l qo‘ygan xatosi, qo‘rqoqligi, shijoatsizligi tufayli umrbod yuzi qora bo‘lib qolishi ham hech gap emas. Aksincha, Amir Temurdek, Jaloliddin Manguberdidek, Bobur Mirzodek bobolarimizning shon-shavkati ayni bir lahzada qabul qilgan qat’iy qarorlari, biror lahza unutmaganlari – yurtga sadoqatlari tufayli abadiyatga daxldor bo‘ldi.

Inson hayotda o‘z oldiga maqsad qo‘yar ekan, o‘sha maqsadga erishish uchun o‘z ustida ishlashi, tinimsiz mehnat qilishi kerak bo‘ladi. Natijada, u vaqtni to‘g‘ri taqsimlaydi, behuda ishlarga o‘zini chalg‘itmaydi. Va albatta, o‘z maqsadiga erishib, komil inson bo‘lib yetishadi. Yuqorida aytib o‘tganimizdek, tarixda buyuk bobokalonlarimiz mana shunday ildam qadam tashlab, buyuk inson bo‘lib yetishishgan.

Bugun hayot bo‘lmasalar-da, qolgan nodir asarlar, noyob qo‘llanmalar ularga yangitdan hayot baxsh etgan va avlodlar xotirasida mangu qolajak! Ammo tanganing ikkinchi tarafi ham bor deganlaridek, maqsadi faqatgina tarixda qolishdan iborat bo‘lgan insonlar ham uchragan. Shoir o‘z she’rida ularni ham chetda qoldirmagan.

*Shuhrat qoldirmoqqa Gerostratdek*
*Diana ma’budin yoqmoq shart emas.*

O‘z davrining buyuk mutafakkirlari goh ilm-fan, goh san’at, goh falsafada ulkan natijalarga erishayotganidan ichi kuygan Gerostrat degan kimsa odamlar uni ham doimiy yodlab-yo‘qlab turishlarini xohlab qoladi. Bunga arzirli biror ish qo‘lidan kelishiga ko‘zi yetmay, ulkan buzg‘unchilik, vahshiylikka qo‘l uradi. Dunyo arxitekturasining noyob namunalaridan biri – Diana ma’budi ibodatxonasiga o‘t qo‘yadi. Qarabsizki, insoniyat hali-hamon Gerostratning nomini eslashga majbur. Ammo qanday xotira bilan? Albatta, salbiy obraz sifatida uning timsoli ko‘z oldimizda gavdalanadi. Yaxshilik qilmaganga yarasha, yomonlik ham qilma, degan naqlni shu insonga qarata aytish o‘rinli bo‘ladi, deb o‘ylayman.

*Aziz asrimizning aziz onlari,*
*Aziz odamlardan so‘raydi qadrin.*
*Fursat g‘animatdir, shoh satrlar-la*
*Bezamoq chog‘idir umr daftarin.*

Ushbu satrlarni bugungi kunda katta-yu kichik yaxshi bilsa kerak, nazdimda. Shoir she’ridagi shoh satr ham shu emasmi, aslida? Ushbu 2 bayt orqali bizga hayotimizni yanada mazmunli o‘tkazishimiz uchun foydali ishlarni bajarishga, ayniqsa, insonlarga yaxshilik qilishga da’vat etayotgandek tuyuladi. Ba’zi insonlar butun umri davomida erisha olmagan, ular uchun armon bo‘lib qolgan orzusiga boshqa insonlar hech qanday to‘siqlarsiz, qiyinchiliklarsiz erishishi mumkin. Mana shunday paytlarda inson taqdirning unga chiqargan hukmidan norozi bo‘lishi va u ishga qayta qo‘l urmasligi kabi holatlar ko‘plab uchraydi. Omad bugun kulib boqmasa, ertaga undan-da katta marralarga yetish mumkin. Buning uchun esa shijoatni so‘ndirmaslik, ayniqsa, o‘zgalarga hasad qilmaslik, maqsadni to‘g‘ri tanlash lozim. Bu hayot qonuni. She’rda aynan “...aziz odamlardan so‘raydi qadrin.” deb aytilgandek, hamma odamlardan ham emas, aziz odamlardan hayotini yaxshilik bilan, ilm bilan bezashni so‘raydi, shoir. Negaki, barcha odamlarga ham afsuski, bunday ezguliklar bilan hayotini g‘ozal qilish nasib etmaydi.

G‘afur G‘ulom o‘zining mo‘jazgina asari – “Vaqt” she’ri bilan lahzaga abadiy haykal qo‘ydi, deb bemalol aytsak bo‘ladi! Bu she’r bag‘riga jo bo‘lgan mantiq va ma’no, san’at va sayqal ko‘lamini anglamoq uchun qarangki, asrlar talab qilinmoqda. Chinakam she’riyatning, adabiyotning mo‘jizaviy qudrati, balki mana shundadir...

*Hayot sharobidan bir qultum yutay,*
*Damlar g‘animatdir, umrzoq soqiy.*
*Quyosh-ku falakda kezib yuribdi,*
*Umrimiz boqiydir, umrimiz boqiy.*

Газетанинг навбатдаги сони 2022 йил 15 март куни чиқади.

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Батир Закиров (Таҳрир ҳайъати раиси), Козим Туляганов, Эркин Искандаров, Ботир Зарипов, Юлдаш Магрупов, Жамшид Исмаилов, Ғолибжон Маджидов, Қудратбек Хошимбеков.

ТАҲРИРИЯТ:

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**

Бош муҳаррир ўринбосари **Абдусами Ҳақбердиев**

Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**

Мусаҳҳиҳ **Марҳамат Мусулмонқулова**

**Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.**

**«ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ» НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:**

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси, «ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, «ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**

100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.
**Телефонлар:**
71-244-21-71 (қабулхона),
71-244-15-13 (котибият),
71-244-22-10 (бухгалтерия),
71-244-05-15 (реклама ва обуна бўлими).
**E-mail:** uzbunyodkori@umail.uz

**ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:**

**Қорақалпоғистон Республикаси:** 90-590-37-15.
**Андижон вилояти:** 93-410-15-18.
**Бухоро вилояти:** 99-705-50-15
**Жиззах вилояти:** 99-525-30-05.
**Навоий вилояти:** 99-731-17-40.
**Наманган вилояти:** 90-553-02-34.
**Самарқанд вилояти:** 95-560-30-45.
**Сурхондарё вилояти:** 91-981-61-63.
**Фарғона вилояти:** 90-230-85-23, 90-163-63-82.
**Қашқадарё вилояти:** 99-503-43-39.
**Хоразм вилояти:** 97-459-74-85.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г-343.
2333 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 8 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**КОРХОНА МАНЗИЛИ:**

Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.

**Навбатчи муҳаррир** – А. Ҳақбердиев.

**Навбатчи** – Р. Хўжаева.

ЎзА якуни – 00.30.
Топширилди – 02.00.

1 2 3 4 5 6

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№17-18 (570-571) 2022 йил 8 март

